

52 (998)-сон
29 декабрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!



“ОБУНА – 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!
Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

ИНДЕКС: Якка обуначиларга – 176,
Ташкилотларга – 177

Акбар РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 4-босқич талабаси, Президент стипендианти:

— Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва улкан эътибор йилдан-йилга кучаяётгани бизни янада янги-янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Истагим, янги йил барчамиз учун омад ва қувонч келтирувчи йил бўлсин!



“БОЛАЛИК ШАҲАРЧАСИ”ДАГИ ШОДИЁНАЛАР

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Янги йил байрами шодиёналари бошланди.

Бу ерда барпо этилган “Болалик шаҳарчаси” қалби орзуларга тўла болажонлар, пойтахтлик ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ҳамюртларимиз, шунингдек, хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам тантаналари барчада катта қизиқиш ва таассурот уйғотмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларга мос спорт турларини изчил ривожлантириш, аёлларнинг спортда ўз куч ва иқтидорини намойиш этиши учун кенг шартшароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, нуфузли мусобақаларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчи қизлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Занғиота туманида ўтказилган “Спорт маликаси — 2010” кўрик-танловида бу алоҳида таъкидланди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўрт нафар иқтидорли спортчи қиз кўплаб қизиқарли шартлар бўйича ўз соҳаратини намойиш этди. Хусусан, спортчи қизларнинг турли мусобақалардаги муваффақиятлари билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билими ҳам синовдан ўтказилди.

Тошкент вилояти вакили Зиёда Ризаева йилнинг “Спорт маликаси” Гран-приси билан тақдирланди. Хоразмлик Гулзода Мадамнинова биринчи, пойтахтлик Зулфия Аҳмаднова иккинчи, самарқандлик Шаҳноза Қўнғирова учинчи ўринни эгаллади.

— Иқтимоийда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мақеви тобора ошиб бораётгани соғлом ҳамда баркамол авлодни воғга етказишга хизмат қилаётир, — дейди Гран-при соҳибаси Зиёда Ризаева. — Ўртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, ақл-заковатли, маърифатли оналаргина қониқ инсонларни тарбиялашга қодир бўлади. Спорт бу эзгу мақсадни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.



бола, Зумрад ва Қиммат байрам тадбирларига завқ, ўзгача хуш кайфият, алоҳида кўтаринкилик бахш этаётир. Байрам руҳига мос тарзда барпо этилган мўъжаз раста ва дўқонлардан кичкинтойлар учун турли ўйинчоқлар, ширинликлар, бадиий китоблар, мактаб анжомлари ва бошқа маҳсулотлардан иборат совғалар харид қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, болажонларнинг қишки таътил кунларида бу ерда хар кун пойтахтимиздаги театр жамоалари, эстрада ва цирк санъати юлдузлари иштирокида Янги йил айёмига бағишлаб махсус те-

атрлаштирилган сахна томошалари, “Нихол” мукофоти совриндорлари, республика ва халқаро фестивал, кўрик-танловларида голиб бўлган хонандалар ижросида концертлар, мусиқий дастурлар намойиш этилади.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2010 йилда академик лицейимизнинг капитал реконструкция қилинган ва замонавий мусиқа чолғу асбоблари билан жиҳозланган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилиши биз учун улкан тухфа бўлди, — дейди В. Успенский номидидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамолова. — Кириб келаётган янги йилда ҳам ўқувчиларимиз турли хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган халқаро фестивал ва кўрик-танловлар, концертлар ва санъат анжуманларида муваффақиятли иштирок этиб, Юртбошимиз ва халқимизнинг юксак ишончини оқлашга ҳаракат қилдилар.

— Яқунланаётган йил ҳам юртимиз учун барқарор юксалиш ва тараққиёт даври бўлди, — дейди қорақалпоғистонлик хунарманд Ойзода Нурибегова. — Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бундай юксак самаралари хар бир юртдошимизнинг тинч ва фаровон ҳаётида ўз ифодасини топаётир. Кириб келаётган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” да тадбиркорликнинг янада ривожланиши ва кўплаб иш ўринлари яратилиши шубҳасиз. Бу эса эл-юртимиз раванкига хизмат қилади, ёруғ ва соадатли кунларимизга бўлган шукроналикни, келажакка қатъий ишончимизни оширади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

МЎЪЖИЗАЛАР МАКОНИ

Яқинда Тошкент ҳайвонот боғига бир жуфт «Стерх» турналари келтирилди. Бу ноёб қушнинг танаси оқ, боши, тумшуги, оёқлари қизил, томоғи ва бошининг бир қисми сарғиш рангда бўлиб, парвоз баландлиги 1200–1400 метрни ташкил этар экан... Ҳайвонот боғида табиат ажойиботлари кўп, бу ерни чинакам мўъжизалар макони деб аташ мумкин. Қушлар бўлими мутахассиси Даврон ОТАБЕКОВ билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.


— Даврон ака, «Стерх» турналари бизнинг иқлимимизга мослашиб кета оладими?

— Сўнги пайтлари иқлим ўзгариши кўпгина жониворларнинг яшаш жойларини ўзгартиришига сабаб бўлмоқда. Масалан, иссиқ иқлимга ўрганган «Стерх» турналари учши йўналишини йўқотиб, совуқ ўлкалар бўлмиш Сибир, Қирғизистон ҳудудларига келиб қолган. Оқибатда, кўп қисми қирилиб кетмоқда. Ҳозирда Япония, Хитой, Россия давлатлари ҳисоби бўйича 2500 га яқин «Стерх» турналари қолган. Улардан 2 жуфти Ўзбекистонга олиб келиб, Тошкент ва Бухоро кўриқхоналарида сақланмоқда. Турналарни кўпайтириш ва тўсатдан рўй бериши мумкин бўлган офатлардан ҳимоялаш мақсадида уларни икки хил шароитга мослаштириб бораёلمиз.

— Ҳайвонларни қафасда сақлаш, уларни эркинликдан маҳрум қилиш, қўлга ўргатиш тўғримикин?

— Бу, аслида, нотўғри, аммо бундай қилинмаса улар қирилиб, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин. Масалан, урушдан кейинги йилларда овчилар Турон йўлбарсларининг энг сўнги вакиллари

ни ҳам отиб ташлашган. Қафасда боқиш орқали уларни сақлаб қолиш мумкин эди. Қолаверса, иқлимнинг кескин ўзгариши оқибатида юкумти касалликлар тарқалмоқда. Бу ҳам айрим жонотларнинг ало-



ҳида яшашига эҳтиёж туғдиради.

— Эшитишимизча, ҳайвон ва қушларда албенослик касаллиги бўлarkan. У ҳам иқлим ўзгариши тўғрисида келиб чиқадими?

— Албеносликни касаллик деб бўлмади, иқлим ўзгаришининг эса бунга асло алоқаси йўқ. У қадимги геннинг сақланиб қолиниши оқибатида содир бўлади. Ҳайвонот боғимиздаги Австралия

кенгуруларида иккита бир хил геннинг тўғри келиши натижасида оқ тусли албенос кенгуру туғилган. Лекин ҳозирда бундай ҳайвон ва қушлар жуда кам учрайди.

— Бу ерда «Қизил китоб»га киритилган яна нечта жонивор бор?

— Боғимизда жами 500 хилдаги ҳайвон ва қушлар сақланади, уларнинг 90 фоизи «Қизил китоб»га киритилган. Узимизнинг ҳайвонлардан ташқари Хиндистон филлари, Германиядан Нил тимсоҳи, Россия ўрмонларидан кўнғир айиқлар, Уссурия йўлбарслари ва бошқа кўплаб ҳайвонлар олиб келинган.

— Ҳайвонларни қўлга ўргатишда нималарга кўпроқ эътибор берилади? Уларнинг характери қандай билиш мумкин?

— Жониворлар тилини тушуниш қийин эмас, характери кўзига қараб билиш мумкин. Аммо улар орасида айиқ ва филларнинг тилини тушуниш бошқа ҳайвонларга нисбатан мушкул. Чунки улар характери берилади.

— Ҳайвонот боғи қошида «Еш табиатшунослар» тўғраги фаолият юрита экан...

— Ҳа, ука-сингилларимиз кўнглида табиатга меҳр уйғотиш мақсадида «Еш табиатшунослар» тўғрагини ташкил қилганмиз. Тўғрак бепул фаолият юритади. Бу ерда бир гуруҳ болалар ҳайвонот дунёси билан танишиш имкониятига эга бўлишмоқда. Мана, ўқувчиларнинг қишки таътил кунлари ҳам бошланди. Азиз фарзандларимиз тўғрагимизда катнашиб, жониворлар билан дўст тутинишлари, бўш вақтларини марқадли ўтказишлари мумкин.

Ферузобону НАБИЕВА
суҳбатлашди.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

ЎЗБЕК СПОРТИ МАЛИКАЛАРИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларга мос спорт турларини изчил ривожлантириш, аёлларнинг спортда ўз куч ва иқтидорини намойиш этиши учун кенг шартшароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, нуфузли мусобақаларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчи қизлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Занғиота туманида ўтказилган “Спорт маликаси — 2010” кўрик-танловида бу алоҳида таъкидланди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўрт нафар иқтидорли спортчи қиз кўплаб қизиқарли шартлар бўйича ўз соҳаратини намойиш этди. Хусусан, спортчи қизларнинг турли мусобақалардаги муваффақиятлари билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билими ҳам синовдан ўтказилди.

Тошкент вилояти вакили Зиёда Ризаева йилнинг “Спорт маликаси” Гран-приси билан тақдирланди. Хоразмлик Гулзода Мадамнинова биринчи, пойтахтлик Зулфия Аҳмаднова иккинчи, самарқандлик Шаҳноза Қўнғирова учинчи ўринни эгаллади.

— Иқтимоийда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мақеви тобора ошиб бораётгани соғлом ҳамда баркамол авлодни воғга етказишга хизмат қилаётир, — дейди Гран-при соҳибаси Зиёда Ризаева. — Ўртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, ақл-заковатли, маърифатли оналаргина қониқ инсонларни тарбиялашга қодир бўлади. Спорт бу эзгу мақсадни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик институтлари ролини тобора кучайтириб бориш масаласига алоҳида урғу берилиб, бу мамлакатимиз тараққиётида хал қилувчи омил экани таъкидланди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳам мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири сифатида маъзур концепциядаги тегишли вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирокида ўтказилган давра суҳбати давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, демократик ислохотлар самарасини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш сингари масалаларга бағишланди.

Тадбирда хотин-қизлар кўмитаси, ҳамкор ташкилотлар, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» ва Экоҳаркатнинг 2011 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режаси муҳокама этилди.


Ўз мухбиримиз

ОҚИБАТ МАНЗИЛИ

✓ МЕХР ҚОЛУР...

Хар сафар бу масканга кадам кўйганимда кўнглим тўлиб кетади. Халқимиз ва давлатимизнинг бағрикенглиги, ғамхўрлиги туфайли туну кун меҳру оқибат нафаси уфуриб турган бу гўшада тарбияланаётган ўғил-қизлар Қамаш тумани марказида жойлашган 4-сонли Меҳрибонлик уйида ҳеч нарсадан, ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етишмоқда. Қолаверса, уларга мамлакат миқёсида иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган нуфузли корхоналардан бири «Шўртангаз кимё» мажмуаси хомийлик ёрдамида кўрсатиб келимоқда. Меҳрибонлик уйи директори Шарофат Шоймардонованинг изоҳ беришича, бу масканда айни пайтда турли миллатларга мансуб 64 нафар ўғил-қизлар бир оила фарзандларидек яшаб, таълим-тарбия олишяпти.

Тарбияланувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Яна бир қулайлик томони, улар шундоққина ўз уйлари ёнидаги 61-сонли ўрта мактабда таҳсил олишади. Таърибли ўқитувчи-мураббийлар ўтилаётган ҳар бир дарс ва машғулотларни, шу жумладан, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни таълим соҳасида қабул қилинган истиқболли дастурлар, ибратли, ҳаётий қоидалар асосида ўтишга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, мустақил фаолият юритиш босқичига қадам кўяётган юқори синф ўқувчиларининг олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўйла, изла, топ», «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари», «Шарқ



гўзали», «Билимлар зинаси» каби викторина ва кўрик-танловларни мунтазам тарзда ўтказиш анъанага айланган қолган. Шунингдек, «Ёш рассомлар», «Моҳир кўлар», қарат, бадий гимнастика, мусиқа тўғрақларида шуғулланаётган иқтидорли ўқувчилар эришаётган муваффақиятлар ҳам таҳсинга сазовордир.

Етти мингдан кўпроқ китоблар захирасига эга бўлган кутубхона мудираси Зарифа Жумагулованинг айтишича, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари орасида бадий, маърифий мавзуларга қизиқувчилар сони ортиб бораётгани сабаб ҳаммиса гавжум. Дарҳақиқат, ўғил-қизларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга

етишлари йўлида ушбу масканда беминнат хизмат кўрсатаётган тиббиётчилар шайнига ҳам ҳар қанча раҳмат айтса арзийди. Бу ерда манипуляция, физиотерапия, ЛФ, ЛФК, тиш даволлаш хоналари бекаму-кўст ишлаб турибди.

— Биз тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилаётган 2010 — Баркамол авлод йилида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилаёلمиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Шарофат опа Шоймардонова. — Албатта, фарзандларимизнинг ҳаммаси насиб этса, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топишига ишончимиз комил. Чунки улар ўзларига давлатимиз, қолаверса, меҳмуруватли халқимиз томонидан кўрсатилаётган эзгулик, ғамхўрликларни ҳар қадамга ҳис этиб туришибди. Шу боис ҳам бу ердаги болаларнинг қай бири билан суҳбатлашсангиз, кўнгилашса бир дунё орзулар мужассам, барчаси бир овоздан шу овоз ва обод юртимиз тарққийети учун ҳалол хизмат қилмоқчи ўзларининг шарафли бурчи эканлигини чин дилдан ҳис этишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Меҳрибонлик уйимиз жамоаси номидан барча элдошларимизни Янги йил байрами билан самимий кутлаймиз.

Ғози РАҲМОН,
журналист.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Маълумки, бир неча йилдан буюн бевосита Адлия вазирлиги ташаббуси билан журналистлар ҳамда ҳуқуқшунослар ўртасида «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» деб номланган республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Анъанага кўра бу ўзига ҳос кўрик ҳар йилнинг сўнгида яқунланади.

— Ушбу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка оддий тилда етказиш, адлия тизими томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни ОАВ ҳамда интернетда мазмунли ва сифатли ёритишдан иборат, — дейди Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев. — Йил давомида турли йўналишлар бўйича элликланган ортқ материаллар нуфузли ҳайъат эътиборига тақдим этилди.

Кеча вазирликда ана шу танлов якунига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Ниҳоят, ҳайъат қарорига кўра, ЎзМТРКнинг «Ёшлар» ТРК телеканалининг Бухоро вилоятидаги мухбири, Самарқанд

«STV» ижодий уюшмаси «STV» радиоси жамоаси, «Новости Узбекистана» мустақил газетаси таҳририяти, Хоразм вилоят телерадиокомпанияси Адлия вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, ЎзМТРКнинг «Ахборот» информацион дастури, Ўзбекистон ахборот агентлиги, «Осиё» телеканали, «Оила ва жамият» газетаси жамоаси II ва III даражали дипломлар билан эсдалик совғаларини қўлга киритди.

Тадбирда таъкидланганидек, 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Адлия вазирлиги томонидан 34 мингдан ортқ тартибот тадбирлари амалга оширилган. Бу тадбирлари нафақат шаҳарларда, балки кишлоқ жойларида ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда. Бу борада республика, маҳаллий матбуот ҳамда телевидение ва радио тармоқлари вазирликка яқиндан

✓ ТАНЛОВ

ёрдан бермоқда. Ўтказилаётган турли йўналишдаги танловлар эса материалларнинг сифат ва мазмундорлигини янада оширишга ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, интернет журналистикасини янада ривожлантириш масаласи ҳам Адлия вазирлиги эътиборида эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундан ташқари, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва яна бир қатор идоралар ҳамкорлигида ўтказилган лойиҳалар юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбир якунида, 2011 йилдан бошлаб «Адлия идоралари ОАВ нигоҳида» кўрик-танлови қамровини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Танловга топшириладиган материалларнинг сифат ва мазмундорлигини ошириш, уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси моҳиятини кенгроқ очиб бериш, бу борада адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари олдига қўйилган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш масалаларини кенгроқ очиб бериш юзасидан тавсиялар берилди.

ТАХРИРИЯТДАН: Мазкур танлов ғолиблари орасида газетамизнинг Тошкент вилоятидаги мухбири Турдикул Норматов ҳам бор. Ижодий жамоамиз номидан ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан чин дилдан кутлаймиз.

✓ БАҲТ ОСТОНАСИ

ИРОДАСИЗЛИК
ЯХШИЛИК
КЕЛТИРМАЙДИ

Кўлимга қалам олишимга бир аёлнинг кўз ёшлари сабаб бўлди. Бир куни идорамизга эрхотинлар кириб келишди. Сиртдан кузатган кишига улар бир-бирларига жуда меҳрибон экани сезилиб турарди.

— Никоҳдан ўтмоқчимисизлар? — деб сўрадим.

— Йўқ, — дейишди улар ва негадир бошларини куйи эгшиди. — Биз ажрашиш учун келдик. Мана никоҳ қоғозимиз. — Сизларни кўрган ҳар қандай одам жуда бахтиёр оила экан дейиши табиий. Ажрашиш сабаби нима? Ё қайнонанигиз билан келиши олмадингизми? — сўрадим келинга юзланиб.

— Йўқ, қайнонам Ўзимнинг холам бўлади, ажрашишимизга тиш-тирноғи билан қарши. Ўртадаги борди-келиди узилмасан, қариндошлик ришталаримиз мустаҳкам бўлсин деб, яхши ният билан бошимизни қовуштиришганди. Афсус, хато қилишган экан. Бефарзандлигимиз туфайли икки опа-сингил бир-биридан жудо бўляпти, — деди келин кўзига ёш олиб. — Икки марта хомиладор бўлдим, афсуски, ҳар икки чақалогим ҳам туғилмай нобуд бўлди. Қаратмаган шифокору табибларимиз қолмади.

Қисқаси, бу икки ёш ҳар томонлама чуқур ўйлаб, шундай қарорга келишган экан. Амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ, уларга уч ой муддат бердик. Белгиланган муҳлат етиб келгач, улар бир-бирига бахт тилаб хайрлашди... Бу икки ёш иродасизлик қилиб, ота-оналари, қариндош-уруғларининг хоҳиш-иродасига бўйсуниб, шундай қисматга дучор бўлишган.

Сир эмас, яқин қариндошлар ўртасидаги оила қуриш ҳоллари кам бўлса-да, ҳамон учраб туради. Бундай никоҳ аксарият ҳолларда оғир оқибатларга олиб

келишига жуда кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, яқин қариндошлар турмуш қуришганда болаларнинг ирсий касаллиқлар, ақлий заифлик ёки туғма нуқсон билан туғилиши хавфи камида икки баробар ошади. Афсуски, кўпчилигимиз бунга яхши билмас-да, амал қилмаймиз.

Юртимизда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш масалалари доимо диққат марказида турганидан бугун ҳаммамиз яхши хабардормиз. Мазкур мақсадларга эришишда эса оилаларда тиббий маданиятни ошириш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш каби чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. ФХДЭ идоралари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бевосита шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар, тушунтириш ишлари натижасида бугунги ёшлар яқин қариндошлар никоҳи, тиббий кўрикдан ўтмаслик ва никоҳни расмий қайд эттирмаслигининг оқибатлари каби нозик масалаларда мустақил фикрларига эга бўлишмоқда. Аммо кўпгина маъмули ҳолатлар биз катталарнинг билиб-билмай фарзандларимизга ўз ҳуқуқимизни ўтказишимиз, улар эса энг зарур дамларда ўз қарашларини ҳимоя этолмай, иродасизлик қилишлари сабабли келиб чиқмоқда. Юқорида ҳикоя қилиб берилган воқеа ҳам фикримизни тасдиқлайди ва бу кўпчилигимиз учун ибрат бўлмоғи лозим.

Холида АҚРАМОВА,
Тошкент шаҳри Бектемир
тумани ФХДЭ бўлими
мудир.



Икром ОТАМУРОД, шоир, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири ўринбосари:

1. — Кетаётган йил бинойидай ўтди. Йил асносида "Хувийят" деган дostonим "Ёшлик" журналида чоп этилди. "Хари-тага тушмаган жой" номли китобимни тайёрладим. "Куш" дostonини битирдим. Йил давомида нималарнидир ўқидим, нималарнидир кузатдим, фаолиятимни хайрли ишларга йўладим.

Оиламда иккита набирам туғилди. Бу жудаям қувончли ҳол. Нима ҳам дердим, яна. Қуёш ҳар куни бир маромда чиқмаганидек, ҳаётнинг ҳам қувончлари ёнида ташишлари, умидлари ёнида армонлари бўлиши табиий ҳол.

Кетаётган йилда бир неча қариндошларим, қадрон биродарларим қайтиш қилишдики, бу кангумда армон қолдирди. Вақт умид билан армонни боғловчи кўприк. Нима бўлганда ҳам кетаётган йилга кангумдан хайр, дейман!

2. Келаётган йилга эса кангумдан салом дейман. Нималарнидир ўйлапман. Фақат олдиндан айтолмайман. Чунки ўйларим қандай тарзда рўёб топади, билмайман-ку! Шу ўринда бир гапни айтмоқчи эдим. Иложи борича, билмайман дейишни ҳам ўрганасан яхши бўларди. Бу борада, Имом Аъзам ҳазратлари шундай бир фикрни қайд этган эканлар: "Билмаганларимни агар оёғим остига терганимда, бошим кўкка етарди". Яна бир бор келаётган йилга, саломлар бўлсин!

3. Ҳар бир хонадонда, ҳар бир кангумда келаётган йилнинг самимияти, эзгулиги, яхшилиги равшан тортиб борсин.



Акбар РАҲМАТОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетининг халқаро журналистика факультети

Шарқий тақвим бўйича 2011 йил "оқ куён" йили деб аталади. Оқ ранг бу — поклик, бегуборлик, тинчлик рамзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шиддатли йўлбарс йилдан кейин барча бурж вакиллари учун келаётган йил осойишталик ва хотиржамлик ваъда этмоқда. Ўтган йилда содир бўлган кўпгина воқеа-ҳодисалар, кўнгилхираликлар кескин тарзда яхши томонга ўзгаради. Санъат, адабиёт, ижод билан боғлиқ жараёнлар авж паллага киради. Кўпдан буён орзу қилиб юрган режаларингиз бўлса, айнан шу йилда ҳаракатни бошланг, албатта натижаси аъло бўлади. Иложи борича жаҳлингизни ичингизга ютиб, сабр-тоқатли бўлишга, ҳар бир масалани вазминлик, муроса йўли билан ҳал қилишга интилинг. Жиззакилик, шошма-шошарлик билан ҳеч нарсага эришолмайсиз. Куён мулоим, беозор жонзот бўлгани учун бу мучал эгалари ҳам ўзларининг босиқлиги, хушмуомаласи билан бошқалардан ажралиб туришади. Улар бирор ишга қўл уришдан олдин етти ўйлаб, бир кесишади. Бу йилда қурилган оилалар, тузилган битимлар мустаҳкам бўлади, дейишмоқда мунажжимлар. Шу боис, оила қурмоқ оstonасида турганлар — шошганингиз маъқул. Имконни кўлдан бой берманг.

Ушбу йилда ўз мучал ёшларини нишонлаётган турли соҳа вакилларига газетамизнинг куйидаги анъанавий саволлари билан мурожаат қилдик:

- XXI асрнинг ўнинчи довоми ҳаётингизда қандай из қолдирди?
- Келгуси Куён йилидан нималарни кутаяпсиз?
- Байрам тилақларингиз?



ЙИЛЛАРНИНГ САЛОМИН ЙИЛЛАРГА ЭЛТИБ...



Мирза АЗИЗОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1963 йил 22 майда туғилган. Мучали Куён, буржи — Эгизаклар.

Эгизаклар буржи остида туғилган бўлсангиз, янги йилда ҳаётингизда кескин ўзгаришлар содир бўлади. Кўпдан буён ўйлаб юрган, аммо амалга ошишига шубҳаланган режаларингиз ниҳоят рўёбга чиқади. Айниқса, Куён мучалидаги эгизакларга омад йилнинг бошидан оқ бўй кўрсатади. Қадамларингизни шахдам ташланг: бу йил — сизнинг йилингиз!

1. Умуман олганда, санъаткор учун ўтаётган йилнинг яхши-ёмонлиги эмас, эсда қоларли дамлар, ижодий мувафақиятлар, эришилган ютуқ ва камчиликлари кўпроқ муҳим. Лекин шу туртинилар, синовлар чин маънода санъаткорни тоблаяди. Ҳақиқий санъаткор ҳар бир воқеа-ҳодисадан ўзи учун хулоса чиқариб, янада юксакроқ чўққиларни забт этишга ҳаракат қилади, ҳеч қачон нолимайди. Оллоҳга шукр, мен учун ҳам 2010 йил ёмон ўтмади. Спектаклларда янги роллар ижро этдим. Бадийий фильм ва телесериалларда самарали ижод қилдим. Менимча, актёр учун мана шунинг ўзи тириклик, яшаш демакдир.

2. Келаётган 2011 йил мучал йилим экан. Бу менинг айна ижодга, шижоатга тўлган вақтим деб ҳисоблайман. Ва, табиийки, куён йилидан умидларим катта. Анчадан буён яхши бир мусиқали драма сахналаштиришни орзу қилиб юрган эдим, имкон бўлса, шунга амалга оширишмоқчиман. Театримизда профессионал режиссёрлар томонидан спектакль қўйилса, қийналиб бўлса-да, мураккаброқ ролни ижро этсам, дейман. Ҳақиқий санъат даражасидаги бадийий фильмлар суратга олинса, ўзига хос образлар яратсам, деган ниятларим бор. Ростини айтадиган бўлсам, йилнинг қандай ўтиши кўп маънода ўзимизга ҳам боғлиқ. Асосийси, орзу қилишдан, интилишдан чарчамасак бас.

3. Илоҳим, санъатимиз, театримизнинг довруги янада сарбаланд бўлсин. Театрга келиб спектакль томоша қилиш доимо мухлис-ларимизнинг юрагига сиғсин. Ҳаммамизнинг кўнглимиз бахт ва қувончдан нурафшон бўлсин.



Кимёхон МАРАСУЛОВА, Тошкент шаҳридаги 229-мактабнинг 5-синф ўқувчиси. 1999 йил 24 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Спортнинг дзюдо тури бўйича кўпгина мусобақаларда фахрли ўринларни кўлга киритган. Мучали Куён, буржи — Эгизаклар.

1. Бу йил ҳаётимда катта из қолдирган воқеаларга бой бўлди. Аввало, бошланғич синфни битирдим, 5-синфда янги дарслар, бошқа-бошқа ўқитувчилар билан танишдим. Энди эркак, ўйинқароқликни қамайтириб, кўпроқ ўқишга, ўзим ёқтирган спорт тури — дзюдо билан яна ҳам жиддийроқ шуғулланишга бел боғладим. Ушбу ҳаракатларим зое кетмади, 2010 йилда пойтахтимизда қизлар ўртасида ўтказилган бир қанча мусобақаларда 30, 32, 33 кг вазн тоифаларида 1-даражали диплом ва медаллар совриндорига айландим. Туман халқ таълими бошқармаси томонидан "Спорт маликаси" деган номинация соҳиб бўлдим. Менинг ютуқларимдан ота-онам қаторида мурабийим ҳамда мактабдаги устозларим ҳам хурсанд бўлишди.

2. Энг аввало, ўқув йилини аъло баҳолар билан тугатмоқчиман. Дзюдо бўйича республикамиз ҳамда хорижий давлатларда бўлиб ўтадиган халқаро спорт мусобақаларига қатнашиб, улкан ютуқларга эришмоқчиман. Худо хоҳласа, келажакда жаҳон чемпиони бўлиб, мамлакатимиз доврuginи кўтармоқчиман.

3. Барчамизнинг ота-оналаримиз, устозларимиз соғ-омон бўлишин. Бунинг учун барча тенгдошларим фақат аъло баҳоларга ўқинсин. Ва энг муҳими, каттаоқ кичик спорт билан шуғуллансин, дейман.

ти 4-босқич талабаси, Президент стипендиати. 1987 йил 26 ноябрда Самарқанд вилояти Булунгур туманида туғилган. Мучали Куён, буржи — Уқотар.

Уқотар буржи вакиллари, 2011 йил сиз учун ҳар жабҳада омадли келади ва эсда қоларли, ёрқин дамларни ҳада этади. Касб-кор, ижод ё бизнесда янги режалар тузган бўлсангиз, албатта, амалга ошади. Айниқса, Куён мучалидаги ўқотарлар кўзлаган ўлжасини бехато уради. Йил охири сизлар учун мактот ва олқишлар йилга айланади. Ўз билим-салоҳиятингиз, ақл-заковатингиз туфайли юксак чўққиларни осонгина забт этасиз.

1. 2010 — "Баркамол авлод йили" юртимиз ёшлар

ри учун кенг имкониятлар йили бўлди. Ушбу имкониятлар самараси ўлароқ юртимиз фарзандлари фан, таълим, санъат, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда ўзларини кўрсатишди.

Бу йил мен учун ҳам мазмунга бой, эсда қоларли йиллардан бири бўлди, десам адашмайман! "Баркамол авлод йили"да мен ўзим ўрганаётган журналистика соҳасидаги билимларимни янада мустаҳкамладим, матбуотда ижодий ишларим билан қатнашиб, соҳанинг амалий жиҳатлари билан яқиндан танишдим. Шунингдек, бу йил талабалар учун юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясини кўлга киритиш бахтига муяссар бўлдим.

2. Яқинлашаётган 2011 йилдан умидларим катта. Магистратура босқичида таъ-

лимни давом эттириш билан бирга, илмий ва журналистик фаолият билан ҳам шуғулланишни, билимларимни янада бойитишни мақсад қилганман.

3. Талаба ёшларнинг бир вакили сифатида мамлакатимиз ёшларига Президентимиз раҳнамолигида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва улкан эътибор йилдан-йилга кучаяётгани бизларни янада янги-янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Ўтаётган ҳар бир дақиқа бизни янги 2011 йил томон бошламоқда. Истагим, янги йил барчамиз учун омад ва қувонч келтирувчи йил бўлсин! Бахтимизга жамиятимизнинг муҳим бўлагини — оилаларимиз тинч, яқинларимиз соғ-саломат ва юртимиз янада фаровон бўлаверсин!

МЕН СИЗНИ ЭРИНМАЙ КУТЯПМАН БУГУН

БАХТ

Деразанда тонг отганин омон
кўрганлигинг зўр бахт,
Элинг била нур кўйида яйраб
юрғанлигинг зўр бахт.

Умр айвонида хониш этсалар
қумри булбуллар,
Ул бахт хушхонларин кўриб,
тинглаб турғанлигинг зўр бахт.

Толениндан, Бибисора, улаш десалар,
розиман,
Лек ўз бахтинг ўзинг топиб,
завқин сурғанинг зўр бахт.

ТЎРТЛИК

Сафар-ку яхши-я лек, аммоси бор,
Ватанни тарк этсам қандоқ бўлар ёр,
Икки кўзим орқамда бўлади-ку,
Йўқ асло тупроғим тарк этмам зинҳор.
Бибисора ОТАЕВА,
Хоразм.

ОҚИБАТ

Димоғ баланд, кўжрагин керган,
Элин писанд этмаган дамлар,
Кўнишисига кўлин кўтарган,
Оқибатни ўйланг, одамлар.

Ота-она олмай кўнглини,
Утгандан сўнг бўлар, отамлар.
Ҳолин суранг, хаста синглини,
Оқибатни ўйланг, одамлар.

Даврон келди, давлатинг бисёр,
Дўсту ёринг бўлур ҳамдамлар.
Жигарларни унутманг зинҳор,
Оқибатни ўйланг, одамлар.

Дастинг узун, турмушинг порлоқ,
Қишлоғиндан узма қадамлар.
Бир кун олар бағрига қишлоқ,
Оқибатни ўйланг, одамлар.

Қариндошга бир бор қайишмас,
Етти ётга бўлар хотамлар.
Ким душману, ким дўстин билмас,
Оқибатни ўйланг, одамлар.

Даврон ўтди, кўнгишлар мискин,
Юракда бор доғу аламлар.
Шунда отанг беради таскин,
Оқибатни ўйланг, одамлар!

Жумагул АШУРОВА,
Нуробод тумани,
Самарқанд вилояти.

ОНАМНИНГ ДУНЁСИ

Қизиқ дунё экан, болалик умрим,
Киприк қоққанчалик ўтиб кетдилар.
Бири тан, бири жон она-укалар,
Ўз араваларин тортиб кетдилар.

Ўргимчак инидай ҳар биримизни,
Кўвончу ташвишлар ўраб олдилар.
Ҳаммани кузатиб, ҳаммани сўраб,
Мен туғилган уйда онам қолдилар.

Ҳафтада бораман шимдан ортиб,
Онамнинг бошлари кўкка етади.
Неки тансиқ таом бор бўлса агар,
Ўзлари емасдан менга тутади.

Бир зумда биламан, оламда не гап,
Акамнинг набири кўрганлигини.
Укамнинг боласи катта бал билан,
Лицейга ўқишга кирганлигини.

Қуни кеча эса опамнинг ўғли,
Иморати учун ёғоч олибди.
Боласи шўх экан бир жиянимнинг,
Онам ташвиш чекар: озиб қолибди.

Зум ўтмай энг яқин жигарларимнинг
Кўвонч-ташвишига бўламан шерик.
Ўзимнинг ўйларим бир четга суриб,
Онам дунёсига қоламан кириб.

Қўллари дуода янажонгинам,
Ҳаммага соябон, ҳаммага паноҳ.
Бунчалар ўзингга чорлайсан бизни,
Оҳ, янам яшаган табарруқ даргоҳ.

...Бугун бошимизда осмон зил-замбил,
Бугун жигарларим бошлари кўйи.
Эгасин кузатиб сўнги манзилга,
Хўшиллаб қолди-ку онамнинг уйи.

Укам таскин берар менга оҳиста,
Ўзининг кўзида жовдираган ёш.
Онам ғуссасини ичига ютиб,
Акамега тилайди сабр ва бардош.

Онажон! Бу бари Сиз дилга эккан,
Меҳру оқибатдан битта нишона.
Аммо не қилайлик, нелар қилмайлик,
Энди ҳеч ким бизга бўлмас она!
Лола ЎРОҚОВА,
Китоб тумани

ШЕЪР АЗИЗ...

Жунжикиб кўнглимга кирди декабрь,
Елкамда қировлар эриди дилхун.
Баҳорга интиққан турналар каби,
Мен сизни эринмай кутяпман бугун.

Ҳазонлар ҳавода қотди муаллақ,
Кунларнинг жонидан ўтди изғирин.
Кўнглимда соғинчлар гуллади оппоқ,
Мен сизни эринмай кутяпман бугун.

Мовий ўриндиққа мусича кўнди —
Дунё шу қушларнинг кўзидай маҳзун...
Хонами муаттар гулларга кўлиб,
Мен сизни эринмай кутяпман бугун.

Атрофда ястаниб ётар қаҳратон,
Масофа қаҳратон тунидай узун.
Ишонинг, кўкламга етамиз омон,
Мен эса эринмай кутяпман бугун.

Жунжикиб кўнглимга кирди декабрь,
Елкамда қировлар эриди дилхун...
Башорат ОТАЖОНОВА



ОНА ВАТАН

Ягонасан, эй она ватан,
Тиройингга барча берар тан.
Кучоғингда минглаб паҳлавон,
Бўлар сенга содиқ, мард ўғлон.

Она каби улугсан ватан,
Сенинг номинг тилларда достон.
Фидо бўлсин сенга жону тан,
Яшна ватан, жон Ўзбекистон.

Кўрдинг қанча азоб-уқубат,
Йўқолмади меҳр-муруват.

Топдинг камол бахту саодат,
Яшна Ватан, яшна умрбод.

ҲАЁТ

Бу ҳаётда ҳамма нарса меҳр билан,
Эртаклару афсоналар сеҳр билан,
Бахтли бўлай десанг,
қилмиш сабр-тоқат,
Ва кўнглиндан ҳасаду ғаразни йўқот.

Зухра ЖЎРАЕВА,
Каттакўрғон туманидаги 100-умумий
ўрта татлим мактабининг
7-синф ўқувчиси.

ЁШЛИК ҚЎШИГИ

Ўн етти баҳорим умрим зийнати,
Қалбимда ёшликнинг олов туйғуси.
Бугун орзуларим осмондек юксак,
Йироқдир шу дилдан армон қайғуси.

Ўзгачадир дунё гўзал беқиёс,
Мавжланади унда ҳаёт қўшиғи.
Кўнгил торларини чертаган қисларим,
Тоабат шу сирли наво ошиғи.

Ҳаёт денгизида мен бир томчиман,
Улкан тўлқинларга қўшишум бордир,
Гар қўлда қаламим илҳом-ла турса,
Мудом теграм узра чин омад ёрдыр.

Ўйларим эзгудир содда, беғубор,
Элим учун бўлай мен оқила қиз.
Токи яхшиларнинг ёдидан учмас,
Шарафга йўғрилиб қолсин нурили из.

Базира ИБРАГИМОВА,
Жиззах давлат педагогика
институтини қўшидаги
2-сонли академик
лицей талабаси.

Албатта, ҳамманинг хонадонидида янги йил ташвишлари бошланганига бир неча ҳафта бўлиб қолгандир. Айниқса, болажонларни айтмайсизми? «Қачон арча ўрнатамиз, янги йилда қор ёғармикин, менга Қорбобо нима совғалар олиб келаркин», деб кунига юз бор сўрашади. Аммо сизни бошқа бир муаммо қийнапти. Хўп, байрам-ку яхши. Аммо унга тайёргарлик-чи? Бунинг устига уй йиғиштириш, меҳмон кутиш, турли таом ва пишириқлар тайёрлаш, хуллас, бир дунё ташвиш. Кимга тўй, кимга... деганлари шудир-да. Аммо бу қадар саросимага тушишининг ҳожати йўқ. Энг аввало, бажаришингиз керак бўлган барча оғир юмушларингизнинг яхши жиҳатларини ўйланг. Бириничидан, сизнинг бугунги уй кўтаришингиз бу йилдаги энг охириги саранжом-саришталаш ишингиздир. Имкони бўлса сиз шунчаки гиламларни қоқиб, чанларни тозалаб, ойналарни артаяпман деб эмас, ўтган йилдаги барча қийинчилик ва ташвишлар гардини артаяпман, деб ҳисобланг. Ана шунда кундалик уй юмуши сиз учун байрамона шанбаликка айланади.

Бунинг учун тозаланиш энг кўп кирланадиган жойлардан бошлаш керак. Бу албатта ошхона, емакхона, ванна ва ҳ.к. Бундан ташқари, янги йил оилавий байрам экан, унга тайёргарлик ҳам

оилавий бўлишига нима етсин? Йил бўйи сиз шу хонадоннинг бекаси сифатида битмас тугамас уй юмушларингиз билан куймаландингиз. Энди янги йил олдида бутун оилангиз билан шу ишларни бўлишиб бажарсангиз, на эриказис ва на чарчайсиз.

КЕЛАВЕРИНГ, ХУШ КЎРДИК!



Қолаверса, кўпчилик бўлиб уй кўтарилганда, албатта байрам олдида хоналарга айрим ўзгартришлар киритиш фикри ҳам пайдо бўлади. Ахир биз янги йилдан ҳаммиша янгиликлар кутамиз, ва ҳеч бўлмаганда, оқ ўрни-

га кўк дарпарда илсак ҳам кўнглимиз ёришиб кетади. Айтганча, уйга меҳмон чақиришдан олдин барча кўзга ташла-ниб турадиган кўтилар борми, стол устида ёйилиб ётадиган китобу журналларми, барчаси кўздан холи жойга яширилса яхши. Диван-креслоларнинг барчасига ёпинчиклар ташлаб қўйилса, бу мебелларга доғ-дуг тушишининг олдини олади, қолаверса, чиройли ёпинчлар хонага тантанавор тус беради. Хуллас, ҳамма жой саришта бўлгач, бе-малол ярақлаган ошхонагизга ўтиб, антика таомларингизни тайёрлашга тушаверинг. Болалар эса байрам дастурхони-ни бу гал дадаси назорати остида тузатишни бошлашсин. Аммо ана, вай, эшик тақилладими? Меҳмонлар ҳам кела бошлади-ку? Хуш, келибсиз, азизлар, хуш кўрдик янги йил!
Дилфуза ЎРОЛ қизи тайёрлади

АЙЁМ АРАФАСИДА

МУКАММАЛ БЎЛАМАН, ДЕМАНГ!

Агар сизни кимдир хушламаётганини сезсангиз, ҳеч ҳам хафа бўлманг. Сизни ҳамма севиши шарт эмас. Ахир, ўзингизга ҳам кимлардир ёқмайди-ку! Сизга ёқмайдиган одамларни яхши кўришга ўзингизни мажбур қилманг. Ҳамма учун жон куйдиришингиз, ҳаммага фидо бўлишингиз шарт эмас. «Узр вақтим йўқ», «Бошқа ишни режалаштирганман», «Мени кўлимдан келмас керак» каби иборалардан ҳам фойдаланиб туринг.

Хошиларингиз учун ўзингизни айбламанг! Юрагингиз чопмаётган муносабатлардан воз кечинг. Баъзи ишларга тишингиз ўтмаса ўқинманг. Айрим юмушлар борки, кимлар учундир ўта мураккаб, сиз учун эса чўт эмас. Тўғрими?! Вақтингиз ва имкония-тингизга тўғри келмайдиган ишларга уринманг. Сизнинг ҳам ёлғиз қолишга, муста-қил бўлишга, кимнидир севишга, кўнглин-гизга ёққан одам билан вақт ўтказишга, берган нарсаларингизни сўраб олишга ҳаққингиз бор!

Дилроз АБРАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

Фузор шахрига кириб боришингиз билан нигоҳингиз атрофи гулу гулзорлар, дов-дарахтлар билан ўралган; шинамгина жиҳозланган кўшқаватли бинога тушади. Бу ерда «Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси жойлашган. Аини пайтда бу жамоада 532 нафар ишчи-хизматчилар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўзларининг баракали улушини кўшмоқ ниятида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

— Албатта, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ошаётганлигининг асосий омили, энг аввало, ходимларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинаётганлиги билан боғлиқ, — дейди биз билан суҳбатда касаба уюшма кўмитаси раиси **Суннатилло Бўриев**. — Яна бир муҳим жиҳати, ишчиларининг кўнгли хотиржам тарзда меҳнат қилишини таъминлаш мақсадида асосий эътиборни тармоқ ишчи-хизматчиларининг фарзандлари саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратяпмиз. Яъни уларни таътил мавсумларида соғломлаштириш оромгоҳларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Оддий бир мисол, жорий йилда Шаҳрисабз тумани ҳудудидаги Беруний номли дам олиш оромгоҳи бундан икки йил муқаддам капитал таъмирдан чиқарилиб, кўшимча янги бинолар қурилди ва бу ерда келажагимиз эгалари учун барча қулайликлар яратилди. Бу галги мавсумда ҳам 400 нафарга яқин болажонлар корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ҳомийлиги ҳисобидан соғломлаштирилди. Шуниси эътиборга лой-

иққи, болаларнинг дам олиш мавсуми тугаганидан сўнг, корхона ишчи-хизматчилари ҳам оромгоҳда ҳордиқ чиқариб, ўз сиҳат-саломатликларини тиклайдилар. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига хизмат қилади.

Яқунланаётган йилда корхона ходимларининг фарзандлари ўқув қуроллари учун 37 миллион 528 минг сўмдан ортиқ маблағ

ажратилди. Шунингдек, тўй-маъракаларини ўтказётган ҳар бир ходимга моддий кўмак берилмоқда.

Корхонада яна бир ибратли анъана йил сайин оммалашиб бораяпти. Маълумки, ҳар йили сентябрь ойининг биринчи яшанбасида мазкур соҳа ходимлари касб байрамларини тантанали нишонлашади. Шу муносабат билан тармоқда 20 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, нафақага чиққан ишчилар халқимиз-


нинг миллий байрами — Наврўзи олам арафасида тантанали тадбирга тақлиф этилиб, улар шаънига самимий дил изҳорлари билдирилади, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Ҳар бир инсоннинг соғлом ва бақувват бўлиши кўп жиҳатдан жисмоний тарбия билан шуғулланишига боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда корхона маъмурияти ташаббуси билан Фузор шаҳри марказида замонавий соғломлаштириш спорт мажмуаси ҳам қурилди. Бу ерда минифутбол, теннис, кураш сингари спорт тўғараклари мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Муҳташам спорт иншоотида корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ўзлари севган спорт турлари билан машғул. Шунингдек, яқин орада бу ерда ёпиқ чўмилиш ҳавзаси ҳам ишга тушиш арафасида турибди.

Бир сўз билан айтганда, тарих саҳифаларига муҳрланаётган 2010 йилни ҳар жабҳада муваффақиятли яқунлаб, 2011 — «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили»ни ҳам ёруғ юз билан кутиб олмоқ ниятида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган «Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси (**раҳбари Гулмурод Мавлонов**) жамоасига қувончли ютуқлар ҳамisha ҳамроҳ бўлмоғини тилаймиз.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият»
муҳбири.
Қашқадарё вилояти.

САВОБЛИ ИШЛАР САРҲИСОБИ



“ҲИСОРОЛДИ НЕФТЬ-ГАЗ ҚИДИРУВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ” ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимиз ҳамда
мазкур соҳа вакилларини яқинлашиб
келаётган янги — 2011 йил билан
самимий муборакбод этади!
Мамлакатимиздаги ҳар бир оилага
тинчлик, тотувлик, сиҳат-
саломатлик ҳамisha
ҳамроҳ бўлсин!*

BOLALAR DUNYOSI

✓ O'RNAK OLING

YOSH RASSOMNING ORZULARI

Aziza Ortiqova Toshkent shahar o'quvchilar ijodiyoti markazi qoshidagi yosh rassomlar to'garagining eng iqtidorli o'quvchilaridan sanaladi. U Yunusobod tumanidagi 302-maktabning uchinchi sinfida o'qiydi. «Kamalak-2010» milliy an'analar va zamonaviylik bolalar san'at festivalining shahar bosqichi g'olibi bo'lgan.

— Aziza, ayrim tengdoshlaring bo'yoqlardan foydalanishni yaxshi bilmaydi. Ota-onalari esa ulardan xafa bo'lib, qayta-qayta bo'yoq sotib olib berishadi. Seniki esa yangidek turibdi. Buning boisi nimada?

— Men har doim bo'yoqlarimni top-toza saqlashga harakat qilaman. Agar ularni isrof qilsam, suvratlarim yaxshi chiqmaydi. Rasm chizishni tugatganimdan so'ng cho'tkalarni avval yaxshilab quritib, keyin idishiga solib qo'yaman.

— Ishga mehr va mas'uliyat bilan yondashganing bois, mana, «Kamalak» bolalar san'at festivalining shahar bosqichida g'olibi bo'libsan. Tanlovda qaysi suratlaring bilan ishtirok etding?

— «Qiz va gul», «Bolalar maktabga ketayapti», «Orol dengizi quriyapti» kabi suvratlarim bilan qatnashdim.

— Ko'proq nimalarni chizishni yaxshi ko'rasan?

— Tabiat manzaralarini qog'ozga tushirgim keladi. To'rt fasl tasvirini chizib bo'ldim. Uy hayvonlaridan kuchuk va

mushuklarning suvratini ishlash ham yoqadi. Yosh rassomlar to'garagidan tashqari yana ingliz tili va raqs mashg'ulotlariga qatnashaman. Buvijonim har kuni erinmasdan meni to'garaklarga olib keladi. Nimalarni o'rganganim bilan qiziqadi. Buvijonimning nabiralarga ertak aytayotgan holatini chizsam deymen. Chizganda ham juda-juda chiroyli qilib, aynan o'zlariga o'xshatib chizmoqchiman, so'ng rasmini tug'ilgan kunlarida sovg'a qilaman...

— Aziza ko'proq yorqin ranglardan foydalanadi. Shuning uchun u chizgan suvratlar ko'pchilikka ma'qul bo'ladi, — deya suhbatimizga qo'shildi yosh rassomlar to'garagi rahbari Alfiya



Mambetova. — Boshqalarning xayoliga kelmagan obrazlarni o'ylab topadi. Mana hozir sport bilan shug'ullanayotgan qizchani suvratini chizish bilan mashg'ul. Aziza arg'imchoq sakrayotgan qizaloqning sochlarini ham havoda hilpirayotgan holatda aks ettirgan. Ijodkorning mahorati eng mayda detallarga ham e'tibor berishi bilan baholanadi. Aziza Ortiqova to'garagimizdagi umidli yosh rassomlardan, agar izlanishdan to'xtab qolmasa, mashhur musavvir bo'lib yetishishiga ishonamiz.

✓ QO'NG'IROQCHA

ARCHA

Uyimizning to'rida Turar yam-yashil archa. Shoxlarida osilib, Yashnar billur qorparcha.



Dilnoza YUNUSOVA, Shayxontohur tumani 254-maktabning 4-«D» sinf o'quvchisi

Yangi yil kechasida Uni yolg'iz qo'ymaymiz. «Har kun Yangi yil bo'lsin!» — Niyat qilib to'ymaymiz.

BIRINCHI QOR MO'JIZASI

Sardorbek bugun ham erta uyg'ondi. Havo negadir sovuq, ammo tezroq harakat qilmasa bo'lmaydi. Axir to bozorgacha piyoda borishi kerak.

«Bu yurish bo'lmaydi, — xayolga cho'g'mdi u yo'l-yo'lakay. — Astoydil harakat qilib, institutga o'qishga kirishim kerak».

Kunlar, oylar yeldirimdek uchib ketmoqda. Agar ota-onasi avtofalokatga uchramaganda, hammasi boshqacha bo'lmaydi? O'shanda otasi vafot etdi, onasi esa mana uch yilki to'shakka mixlanib yotibdi. Shundan buyon Sardor onasining yakka-yu yagona suyanchig'iga aylangan.

Yigitcha xayol bilan Qo'zliq ulgurji savdo markazi tomon borarkan: «Bugun oyijonim uchun yaxshi ishlashga harakat qilaman. Xudojon, o'zing yordam ber», derdi ichida.

— O'g'lim, sizga ish kerakmi?

Do'ppi kiygan bir nuroniy amakining bu savolidan Sardorbek o'ziga keldi.

— Albatta ish kerak. Judayam kerak, — shoshib qoldi yigitcha.

— Ozroq yukim bor, shularni tashib berolmaysizmi?

— Xo'p bo'ladi-da, amakijon.

Sardorbek shiddat bilan ishga kirishdi. Amakining bozorga olib kelgan kartoshka-yu piyozlarini birpasda tashib tashladi.

Amaki juda ham insofli ekan. Sardorbekka yaxshi haq to'labgina qolmay, uni uzundan uzoq duo ham qildi: «Iloyim, barcha tilaklaring ijobat bo'lsin, bolam», dedi.

Kechga tomon ishlash topgan pullariga ikkita patir non, olma va ozroq meva-cheva olib, uyiga xursand qaytayotgan Sardor hovllari ro'parasida turgan «Tez yordam» mashinasini ko'rib, dovdirab qoldi. Yigitcha qo'rqib ketdi:

— Oyim... Oyingma nima bo'ldiykin?

Ammo shu payt ichkaridan yugurib chiqqan qo'shni xola Sardorni ko'rib, uni mahkam bag'riga bosdi:

— Suyunchi ber, o'g'lim, suyunchi! Onang yurib ketdi! Bu mo'jiza!

Bu gaplarni eshitgan Sardor ichkariga o'tildi. Xonada onasi shifokorlar ko'magi bilan asta-sekin odimlayotgan ekan. Sardor entikib, onasining poyiga tiz cho'kdi va yig'lab yubordi. Tashqarida esa yanada oq orzular va'da etgandek oppoq qor yog'a boshlagandi.

Mirzoulug'bek SAYFUTDINOV, Toshkent shahar harbiy-telekommunikatsiya litseyi o'quvchisi.



SIZ SEVGAN HAYVONLAR

1. Qo'y ongsiz jonivor(mi)?

Aslida, ular katta o'zgarishlarni eslab qolish qobiliyatiga ega. Masalan, qo'ylar o'z cho'ponini, ularni qorovullayotgan itlarni va yaylovlarni yaxshi eslab qoladi. Yana, o'z suruidagi qo'ylar bilan begona qo'ylarni farqlay oladi. Shunday ekan, ularni aqlli jonivor deb atasak ham bo'ladi.

2. Mushuklar bir-biri bilan gaplashadimi?

Bunday bo'lishi mumkin emas, deysizmi? Mushuklarning zehni va eshitish xususiyati yuqori darajada rivojlangan. Shu bois ular miyovlash orqali bir-biri bilan muloqot qilishga odatlangan. Mushukchalar ham nima xohlayotganini miyovlab onasiga bildiradi. Ular o'zaro «gurung» qilayotganda shunday to'liqdan foydalanadiki, biz insonlar eshita olmaymiz.

3. Kuchuklar rang ajrata oladi.

Kuchuklar hozirgi paytgacha rang ajrata olmaydigan hayvon deb hisoblangan. Lekin AQSH olimlari o'tkazgan tadqiqotlar shuni isbotladiki, kuchuklar ham ranglarni farqlash qobiliyatiga ega ekan. Ammo ularning ko'zi qizil va olovrangni

✓ TABIAT VA BIZ



sezmaydi. Lekin sariq-yashil va ko'k-binafsha ranglarini yaxshi payqaydi.

O'zDJTU qoshidagi 1-sonli Uchtepa akademik litseyi o'quvchisi Saida RASHODXO'JAYEVA tayyorladi.

MAQOLLAR

1. Chin so'z — mo'tabar, Yaxshi so'z — muxtasar.

2. O'zingga ravo ko'rmaganni o'zgaga ham ravo ko'rma!

QISHDAN DARAK BERMOQDA

Oppoq qorlar yog'moqda, Qishdan darak bermoqda. Yerga sepib oq namat, Qahraton qish kelmoqda.

Xursand bo'lib bolalar, Xayqirishar, kulishar. Ur-ey, qor yog'moqda deb, Quvonchlarga to'lishar.

Gavhar NURALIYEVA, Yunusobod tumanidagi 259-maktabning 5-sinf o'quvchisi



3. Boshingga qilich kelsa ham to'g'ri gapir!

4. O'ylamay qilingan ish, Boshga keltirar tashvish.



Bu lavha qaysi ertakdan?


«boub ot'iq»

Alixon ISMOILOV, Bektemir tumanidagi 293-maktabning 5-«V» sinf o'quvchisi.

Sahifani Nigora RAHMONOVA tayyorladi.

Кейинги йилларда ўзбек қўшиқчилигида ота-бола, ака-ука, опа-сингил — оилавий санъаткорларнинг чиқиши анъанага айланиб бораётти.

Мўминовлар, Собировлар, Исоқовлар, Эшчоновлар каби қўшиқчилар қаторида мухлислар қалбидан жой эгаллаётган ота-сингил Асалхўжаевларнинг ҳам ўзбек эстрадасида ўз ўрни бор. Бугунги суҳбатдошимиз истеъдодли хонанда — Гули Асалхўжаева.



АППАЮ ЁР-ЁРЛАР ЯНГРАСИН!

— Гули, сир бўлмаса айтинг-чи, янги 2011 йилни қандай кутиб олмакчисиз?

— Азалдан маълумки, кўпчилик янги йилни ўз оила даврасида кутиб олишга одатланган. Балки шу боис ҳам бу кун "оилавий байрам" дейилгандир. Шу одатга кўра, мен ҳам деярли ҳар доим янги йилни ўз яқинларим даврасида қаршилайман. Лекин баъзан ўзимизга боғлиқ бўлмаган ҳоллар ҳам учрайдик, яъни соат 12 гача улгуролмай қоламиз, мухлисларни ташлаб кетиш мўшкул кечади. Нима десам экан, келинг, яхшиси, Янги йилни қандай кутиб олишимни ҳозирда-ноқ башорат қилиб ўтирмайин.

— Утаётган йил ҳақида нима дея оласиз?

— 2010 йилдан мингдан минг розиман. Ўзимнинг эришган ютуқларимдан кўра фарзандларимнинг муваффақиятлари кўпроқ суюнтурди. Ўғилларим спортнинг миллий кураш тури бўйича чемпион бўлганида шунақа қувондимки, асти қўяверинг. Барибир болангизнинг орзулари ушалаётгани бошқача таъсир қилар экан.

— Гап оила ҳақида борар экан, шу ўринда ўзингиз берилиб куйлаган «Қайнона» кўшигининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтсангиз, ёш келин-куёвларнинг қайноналари билан яшаган маъқулмикан, ёки?

— Менинг назаримда ҳеч бир она — қайнона фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Албатта, келини қизим, қу-

ёвни ўғлим деб чин дилдан қабул қилганлар алоҳида яшашни ўзларига ҳеч қачон раво кўрмайдилар. Энди ҳар хил ҳолатлар бўлади, бу табиий, кексалар ёшларни, ёшлар кексаларни тўғри тушунишлари керак. Нима бўлганда ҳам имкони борича эндигина оила курганлар мустақил ҳаёт йўлига чиқиб олгунча қайнона-қайнота бағрида бўлсалар ютқазишмайди, қайтанга уларга фойда-ку! Биргина мисол, айтайлик, хорижда, ҳатто мана бизнинг ўзимизда ҳам фалон пул тўлаб, болаларига энага ёллаб ўтирганлар тинчгина кексалар билан яшашса, шундай муаммоларга дуч келармиди? Халқона айтганда, қариси бор уйнинг париси бор дегани бежиз эмас. Масалан, ўзимдан қиёс, мен ҳам аввалига раҳматли қайнонам билан бир жойда яшаганман. Жуда кўп ёрдамлари теккан, ижод қилишимга ҳам у киши кўмаклашган.

— Дарвоқе, кўшиқларингиздан қайси бири ўзингизга кўпроқ ёқади?

— Қизиқ савол бердингиз-ку, фалон кўшиғим менга жуда манзур, униси кўпам ёқмайди, десам айрилар устимдан кулмайдими? Унда нега айтдингиз ўзи, дейишса-чи? Шунинг учун очигини айтсам, ҳаммаси мен учун қадри ва азиздир. Яна бир муҳим жиҳати, санъат аҳлининг тоштарозуси мухлислар қўлида, энг холис баҳони улар беришади.

— Шундай дейсиз, аммо айрим кўшиқчилар ўз ижодига жуда балан-дарвозлик билан баҳо беришади. Яъни мен эски йилда шунча альбом яратдим, бир неча концертлар уюш-

тирдим, янги йилда ижодим янада гуллаб-яшнайди, дейди...

— Албатта ҳар кимнинг ҳаёт ва ижодга бўлган ўз нуқтаи назари, қараши бор. Ана шу мезондан келиб чиққан ҳолда яна таъкидлайман, санъат майдонида озми-кўпми хизмат қилиб юрган инсон сифатида айтадиган бўлсам, менинг муносабатим оддий: биз ким бўлишимиздан қатъи назар, эл хизматидамиз. Ижод қатта рақобатни талаб қилади. Кимнинг баракали фаолият кўрсатаётгани, яъни қониқарлими, қониқарсизми, мухлислар орасидаги рейтингидан билиб олиш қийинмас. Шу боис мен мақтанишни унчалик хуш кўрмайман. Майли, элликта эмас, бешта яхши кўшиқ яратай, шуларни мухлисларим яхши қабул қилса, менинг бахтим кулади-да. Тескарис бўлса-чи, ундан худо асрасин.

— Янги йил арафасидаги тилақларингиз?

— Умрни оқар дарёга қиёслайдилар. Бу ҳам бежиз эмас. Нега десангиз, биз хоҳлаймизми, йўқми, яна бир йил умр дафтаримиздан учиб кетаяпти. Нимага эришдик, қайси орзумиз ушалди, қай бир армонимизга етолмадик, ҳаммаси энди ўтмишга айланди. Нима бўлганда ҳам ўтаётган йилдан рози бўлайлик. Янги йилда Яратгандан ўзимизнинг энг ёруғ ниятларимизга етмоғимизни чин дилдан сўраб қолайлик. Мен ҳар бир инсонга соғлиқ ва омонлик тилайман. Илоё, оилаларимизни тинч, тотувлик ва аҳиллик ҳеч қачон тарк этмасин. Уйларингизда аллаю ёр-ёрлар янграб турсин, азизлар!

Турдикул НОРМАТОВ
суҳбатлашди.



БИРПАС — Биз билан бирпас ўтиринг. Бу жумланинг "бирпас" сўзидаги "пас" қисми тилимиз тарихида "кечанинг саккиздан бири" деган маънони аниқлаган. Шунинг учун ҳам, кечанинг бир паси, кечанинг икки паси, уч паси, тўрт паси ва ниҳоят саккиз паси каби иборалар тилимизда ишлатилган. Шунингдек, "пас" сўзининг "риоя, эътибор", "сақлаш, қўриқлаш" деган маънолари ҳам бўлган. "Бирпас" сўзининг пайдо бўлиш тарихи "Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи" китобида шундай изоҳланган.

Кечанинг уч пасигача йўл юрдик.

"Бобурнома"дан

УТОРИД — "Меркурий" сайёрасининг номи тилимизда XIV асрдан бошлаб шундай атала бошлаган. Унгача қадимги тилимизда "Меркурий" сайёраси "Орзу", "Йалчик", "Тир", "Сув юлдуз" номлари билан аталиб келинган.

Бу кун туттум Уториддек
аламдин,
Дам урғайлар бари лавху
қаламдин.
Амирийнинг "Дахнома"
асаридан

МУЛОЗИМ — Тилимиз тарихида мартабали амалдорлар ҳузурида мунтазам хизматда бўладиган кишига нисбатан "мулозим" сўзи қўлланилган. Бу сўзнинг туб илдизи "зарурий", "ажралмас" каби маъноларни аниқлатади. Тилимизда фаол ишлатиладиган "лавозим", "мулозамат" сўзларининг туб маъноси ҳам худди шу — "зарурий", "ажралмас" деган маънодан келиб чиққан.

Қозихонадан бир мулозим келибдир. Полвонда ишим бор дейди, — деб дахлздан кирган бола Ўрмон полвонинг сўзини кесди.

Садриддин Айнӣ

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ҚАМАШИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА "EASTBRICK" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

халқимизни 2011 — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан самимий табриклайди!

Шу ўринда "EASTBRICK" МЧЖ томонидан жорий йилда қатор хайрли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Жумладан, жамият саъй-ҳаракати туфайли аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондиришга жиддий эътибор қаратилиб, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари жорий этилмоқда. Қолаверса, ҳукуматимизнинг Бандлик дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида юзга яқин қамашилик ёшлар иш билан таъминланди.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР, ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!





“Саломатлик — туман бойлик” деган доно ҳикмат бежиз айтилмаган. Шу маънода истиқлол йилларида юртимизда халқ саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама тараққий эттириш йўлида амалга оширилган хайрли ишлар таҳсинга сазовор. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар қисқа давр ичида ўзининг қувончли самарасини бераётгани бугунги кунда дунё миқёсида эътироф этилаётгани ҳам айни ҳақиқат.

2011 Кўп тармоқли “ДОСТОР-D” ГОСПИТАЛИ ЖАМОАСИ



халқимизни кириб келаётган 2011 — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” муносабати билан ён дилдан табриклайди! Бу дунёда инсон улуғ тани солиқдан офтиқроқ бойлик йўқ. Демакки, бизнинг аҳил ва тўқ тиббиётчиларимизнинг ҳам қўллуғ ияти шундай: ҳаммаша соғу саломат, бардам ва бақувват бўлини, мухтарам юртдошлар! Янги йилда ҳам сизларни яхшилик, хотиржамлик ва бахт-саодат асло шарф этмасин, байрамнинг муборак бўлсин азишлар!



«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

- | | |
|---|--|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). |
| Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой. | Тўкувчилик — 2 ой. |
| Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш. | Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. |
| Ҳамшира (тезкор) — 3 ой. | Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой. | Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Сунъий гул ясаш — 1-2 ой. |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой. |
| Ўйғурча таомлар ва садатлар — 1 ой. | Арабча ва миллий рақс — 3 ой. |
| Аёллар сартарошлиги — 3 ой. | Барчаси амалиёти билан |
| Педикюр, маникюр — 1 ой. | Етоқона мавжуд. |
| Сартарошлик — 3 ой. | |
| Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой. | |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. | |

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),
(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.



Қадри дадажонимиз Ҳошимжон УСМОҶОВ!

Сиз оиламиз устун, хонадонимизга файзу барака олиб келгучи зотсиз. Қолаверса, эл саломатлиги йўлида қилаётган савобли ишларингизни ҳам ҳар қанча эътироф этса арзийди. Ва бу фидойи меҳнатларингиз ўзининг муносиб баҳосини олаётгани бизларни янада қувонтиради. Сизни оила аъзоларимиз, яқинларингиз номидан кириб келаётган янги йил билан самимий табриклаймиз. Бизнинг бахтимизга ҳаммаша омон бўлинг!

Эътиром ила фарзандларингиз Нодирахон ва Дилшоджон.

Ҳурматли ҳамкасбимиз Ҳошим ОРЗИКУЛОВ!

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Заҳматли касбингиздаги журъат, шижоат, оилавий ҳаётингиздаги бахту саодат, умрингиз давомида шодлик ва саломатлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин! Оилангиз билан бахтли яшаб, болаларингиз роҳатини кўриб юринг. Қаламингиз бунданда чархланиб, сиздан келгусида ҳам яхши, сара мақолалар ва ҳикоялар кутиб қоламиз.

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоаси

Ҳурматли Алишер НУРУЛЛАЕВ!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз! Ишингизга омад, оилавий т отувлик тилаймиз. Янги йилда ишларингиз бароридан келсин. Ҳурмат билан уқангиз

Фанишер НУРУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти



ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “VIKAAZ — PLAST”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни кириб келаётган 2011 йил билан чин дилдан табриклайди.

Ҳар бир оиллага тинчлик, тотувлик, сиҳат-саломатлик, файз-барака тилаймиз. Ҳаммаша хайрли ишларингиз роҳатини кўриб юрмоқ насиб этсин.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2011



Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди,
Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайди.
Эркия ВОҲИДОВ

Дунёда шундай инсонлар борки, улар боқий дунёга рихлат этганларидан кейин ҳам гўёки биз билан ёнма-ён "яшаб" юргандек туюлаверади. Чунки улар экиб кетган меҳр уруғлари ҳамиша куртак очаверади, гул бўлиб, мева тугаверади. Ва бу муҳаббат аталмиш мевалардан тотинган инсон зоти борки, яхшилик ва эзгулик ҳеч қачон ўлмаслигига имон келтираверади.

Азизлар, мен бугун қиёматли турмуш ўртоғим, фарзандларимнинг меҳрибон волидаи муҳтарамаси Назирабону ҳақида муҳтасаргина сўз айтмоққа, токи кўз ёшларим ўзим ва яқинларимни селу сеლობида ўртамаслиги учун дилимни сизларга ёрмоққа жазм этдим.

БУ ДУНЁ МЕҲРСИЗ ҚОЛМАСИН!

Аслида етимлик азоби ўзимнинг бошимга жуда эрта тушган. Отам мулла Тўлаган номи билан танилган, ҳурматли зотлардан эди. Биринчи аёли Адолат онамиз икки қиз, бир ўғилни бўлган, қазо қилган, кейинроқ қариндош-уруғларнинг маслаҳати билан отамга менинг онам — Меҳрибону олиб беришган. Тақдирни қарангки, онам ҳам биз — икки ўғил, бир қизни дунёга келтиргач, бедаво дард туфайли бевакт дунёдан ўтади. Ушанда мен, айтишларича, бор-йўғи икки ёшда бўлган эканман. Замон оғир, уруш, қаҳатчилик, бунинг устига олти етим билан қолган отамнинг аҳолини тасаввур қилаверинг... Яна қариндош-уруғлар елкадош бўлишдан ва келишиб-кенгашиб, бефарзандликдан қўйиб, қайғуда юрган қариндошисиз Кенжабой ва Мухсиммахона учоламининг фарзандликка беришади. Улар бизнинг етимлигимизни заррача билдирмай, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишади. Умри-жонимиз етгунича бу икки табарқув ва бағри кенг ота-онамизни дуо қиламиз.

Шу ўринда бу оядан нега нуқул ўз ўтирагани сўзлаяпти экан, деб хайрон қолаётгандирсиз. Ҳа, мен бир кўнгли ярим, аммо ақинларининг мадади билан қадди тик юрган бўлсам-да, ҳамон асл бахт не эканлигини билмас, унга етишмоқдан эса умид ҳам қилмасдим. Шундай кунларнинг бирида институтда ўқийдиган энг яқин курсдош дўстим Ўткиржон уйланди. Унинг онаси ўқитувчи, دادаси эса урушда бедарак кетган, хуллас, тақдиримиз ўхшаш бўлса керак-да, ака-укалардек қалин, сирдош эдик. Бирин-кетин қолган тенгдошларим ҳам уйлана бошлаган, турган гап менинг устимдан «қари бўйдоқ, сенга қачон гал келаркин», деб ҳазиллашадиганлар ҳам истаганча топиларди. Мен-чи? Ўзим эндигина арзимас маош билан ишлаётган, шўрлик ота-онамга қўлимдан келганини, аммо кўнглимдагидек баҳарлигига қурбим етмай юрган бир ночор йигит оила қуриш тўғрисида ўйлашим жозимиди?

Аммо шу орада кўпчилик кенгашиб, менга энг яқин дўстим Ўткиржоннинг синглиси Назирахонни келинликка танлашди. Очиғини айтсам, довдираб қолдим. Тасаввур қилолмасдим, чунки Назира мен учун ҳам бир сингилдек эди-да. Бунинг устига уй-жойим ҳам йўқ ҳисоби. Аммо ҳар қандай замонда ҳам яхши одамлар кунингизга яраб экан: 1962 йилнинг 3 ноябрида Назирабону иккаламизнинг мўъжазгина

тўйимиз бўлиб ўтди. Сира ёдимдан чикмайди. Уша пайтда урф бўла бошлаган куй-қўшиқли тўй қилишга ҳам имконимиз бўлмаган. Аммо отам Тўлаган мулла Куръони Карим тиловати билан бизнинг турмуш курганимизни элга маълум этган, куда буваимиз, машҳур адиб Мирзакалон Исмоилий эса бизни бу унутилмас кунимиз билан қутлаб, шундай ажойиб қутлов сўзларини айтганки, у кунларни эсласам, ҳали ҳамон энтикаман... Шу тариқа менинг умрим жаннатлар сарвари, аёллар аълоси Назирабону билан боғланди ва шу кундан эътиборан у бутун умрини оиламизнинг бахти, фаровонлигига бағишлади. Назира кўли гул чевергина бўлиб қолмай, илғор матлубот ходими бўлиб, узоқ йиллар тикувчилик фаб-

✓ ХОТИРА ЁҒДУСИ



нега келаркан, ҳаттоки оддийгина шолчаси йўқ уйимиз гиламу палосларга тўлди, рўзгоримиз бутлана борди ва бунинг барчаси унинг тиниб-тинчимаслиги орқасидан эди.

1966 йилги Тошкент зилзиласида ҳам, ундан кейин эса оғир дардга чалиниб, касалхонада ойлаб икки дунё оралиғида жон талашиб ётганимда ҳам мушфиқ ва мунис умр йўлдошимнинг матонати, битмас меҳру саботи бутун оиламизга мадад бўлган. Биласизми, ушанда рўй берган бир воқеа эсимда: укаларим Аҳмад-жон ва Абдунажимлар келинойсидан хабар олгани уйимизга келишса, Гулнора қизимиз онасига ҳиққиллаб турганмиш: «Ҳамманинг отаси болаларга кўп-кўп нарсалар олиб беради, менинг адам эса нуқул балнисада ётаверади...» Эшик ортида туриб, бу гапни эшитган укаларим кўзларида ёш билан ортларига қайтишади ва бир жамодонга мева-чева, турли ширинликларни тўлдириб, сездирмайгина остонамизга кўйиб кетишади...

Шифохонадан чиқадиган куним эса Назирабону ўз қўллари билан уйқусиз, қайғули тунарни менинг яна оёққа туриб кетишимни худодан ялиниб-ёлбориб сўраганча умид билан костюм-шим тиккан, ва менга бу либосни кийиб, болаларим, оилам бағрига қайтиш насиб этган эди.

Бу меҳри дарё аёл билан кечган 47 йиллик ҳаётимиз давомида бундай унутилмас воқеаларга кўп бора гувоҳ бўлдик. Оллоҳга минг қатла шукрки, биз умид билан вояга етказган дилбар қизларим Гулнора, Дилфуза, Меҳриноси, Иродахонлар тиббиётчи, ўғлимиз Шухратжон эса техника соҳасини танлаб, кам бўлмади, элдошларимиз дуосини олишяпти. Барчасидан кўнглим тўқ. На чора, Яратганининг ҳукми шу экан, ўзи бериб, ўзи олди. Энди сабру ирода билан Назирахон иккимизнинг тақдир-қисматимиз битилган Умр дафтаримиздаги ўчмас ёзувлар, хотираларни varaқлайман. Ибратли воқеаларни болаларим, невараларимга айтиб берсам, юрагим таскин топади. Унинг нури ва ёруғ сиймосини ортида бўзлаб қолган фарзанду аржумандларидан излайман. Илоҳим, бу мўътабар зотга Оллоҳнинг раҳмат ва шафоати қиёматга қадар ёғилиб турмоғини чин дилдан сўрайман.

Тилагим, сизнинг ҳам ёнгинангиздаги бахтингизни қўрар қўзларингиз ҳамиша омон бўлсин.

Раҳмонберди ота КЕНЖАЕВ,
Тошкент шаҳри,
Дўмбиробод маҳалласи.

✓ УҚИНГ, ҚИЗИК

ЯНГИ ЙИЛ: ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ?

Мерганга бахт

Мексика фуқаролари Янги йил кечаси хонадон шифтларига турли хил ширинликлар, таққариға эса хумчалар осиб қўяди. Кимки ўша хумчалардан бирини тош отиб синдирилса, келаятган йил шу инсонга бахт келтирармиш...

Асал билан саримсоқ пиёз

Венгерлар байрам дастурхонига парранда гўштини умуман қўйишмайди. Сабаби, хонадондан бахт қуши учиб кетармиш. Шу оқшом барча венгерлар саримсоқ пиёзни асалга қўшиб ейишади. Уларнинг наздида шундай қилинса, гўё турмушлари ширин бўлармиш...

Танга — бойлик, атиргул ишқдир

Болгарияда Янги йил кириши билан хона чироклари ўчирилиб, аёллардан истаганча бўса олишади. Бу ҳам ахир одат-да! Чунки болгарларда, бўса — бахт тимсоли. Кеча дастурхонига уй бекалари ўз қўллари билан тайёрлаган турли пишириклар, ичига танга ва атиргул гунчалари солинган таомларни қўйишади. Ажабо, кимнинг пиширигидан танга чиқса, янги йилда бадавлат, агар атиргул гунчаси чиқса, умр йўлдоши билан ишқ-муҳаббат ботида вафодор ва бахтли бўлишдан дарак ҳисобланаркан. Бўйдоқлар учун эса бу кўнгилдагидек оила қуришларига ишора.

Сув селип хайрлашади...

Гаваналиклар Янги йил кирмасидан уч кун аввал уйдаги кўзаларни тиниқ сувга тўлдириб қўйишади. Байрам оқшоми соат 24⁰⁰га бонг урилиши биланок, барча деразалардан кўзалардаги сувни кўчага тўкиб юборишади. Бу эски йил билан хайрлашув белгиси саналади. Шундай қилинса, Янги йил бахт келтириб, кунлар мунаввар бўлармиш...

Қовоқни ерга отишади

Африканинг жанубий минтақаларида Янги йил ва ҳосил байрами биргалликда ўтказилади. Қабила аъзолари ярим доира қуриб, қабила бошлиғини кутиб ўтиришади. У югуриб чиққанида барча ўрнидан туриб, биргалликда миллий рақс ва кўшиқларини ижро этишади. Байрам авжига чиққанда қабила бошлиғи пишган қовоқни зарб билан ерга отади ва барча бақириб, бир-бирини табриқлайди.

Қорбобонинг қамчиси

Мўғулистонда Янги йил кечаси бошига тулки терисидан қалпоқ, эгнига қизил пўстин кийган Қорбобон қўлида қамчи билан уйма-уй юриб, барчани табриқлаб чиқади. Мўғуллар байрамни мол гўштидан тайёрлаган турли таом, қази-қарталар билан кутиб олишса, йил бўйи ҳаммага бахт ва омад ҳамроҳ бўлишига ишондилар.

Мушаклар порлайди

Голландияда байрам кечаси бекалар меҳмонларни лаззатли сомсалар билан сийлашади. Сўнг бандаргоҳдаги кемалар тўллардан мушаклар отиб, шампань виноси тўлдирилган қадаҳларни кўтарган ҳолда бир-бирларини улуг аёйём билан қутлашади.

Фақат оқ либослар кийилади

Бразилия халқи Янги йилни фақат оппоқ либослар кийиб олиб, шўх рақс ва кўшиқлар билан кутиб олишсагина бахт уларни тарқ этмаслигига ишониб яшайдилар.

108 марта кўнгирик садоиси

Японияда Янги йил кечаси албатта 108 марта кўнгирик қилинади. Сўнг мириқиб ухлаб дам олингач, бир-бирларини табриқлаб, тўкин дастурхон атрофида японча миллий тоамларни тановул этишади.

Варрак сайли

Ҳиндистонда эса Янги йил 13 апрелда нишонланади. Чунки йилнинг шу фаслида барча ҳосиллар йиғиб олинади. Болалар ва хатто катталар ҳам тепаликларга чиқиб, варрак учтиришади. Энг баланд учган варрак эгаси тақдирланади ва тонггача мушакбозлик, камонбозлик давом этади.

Ухламаганга — бахт

Вьетнам аҳолиси Янги йил байрами кунни меҳмонга боришмай, тонггача ўз уйларида ухламай, рақсга тушишади. Кимки ухлаб қолса, бахт ундан юз ўғирармиш...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
тайёрлади.



Энг бахтли дамларимиз.

Суратда: Назира Кенжаева, биринчи невараси Алишер, фарзандлари, онаси, турмуш ўртоғи билан (1985 йил).

рикасида, сўнг Тошкент шаҳар коммунал ва маиший хизмат бошқармасига қарашли ательеда ишлаб, меҳнатсеварлиги ва камсукумлиги учун қанчадан қанча мукофотлар олган, аммо шу билан бирга, менинг ҳам аспирантурага кириб ўқушимга, шу даражага етишим йўлида куйиб-пишиб, фарзандларимизнинг бекаму кўст, соғлом бўлиб улғайиши учун турмушимиз барча оғирликларида чидаб, елкадош бўлган муҳтарам зот эди.

Эсимда, 1963 йилнинг 9 декабрида ярим кечаси мени турткилаб уйғотди. Қарасам қўлида бир елим халта, юринг, кетдик, деб турибди жилмайибгина. Уша пайт у оғирроқ эди. Билсам, дард тўта бошлаган экан. Уша пайтлар ҳатто машина ёллаган ҳам, аёлимнинг кўзи ёригач эса уни қандай йўқлашга ҳам имконсиз бир ҳолатда эдим. Аммо Назирагинам аввалданок ҳамма ҳозирлигини бекаму кўст кўриб қўйган экан. Тун. Изгири. 7-8 километр яёв юриб, Чилонзордаги туғруқхонага етиб борганмиз. Бириничи фарзандимиз Гулнора ана шундай саргузаштлар билан дунёга келган. Қолган болаларимизда ҳам худди шундай воқеалар бўлган. Назира дардни филдек кўтарар, аммо ўзгаларнинг ташвиши деса чидолмай, минг бўлакка бўлинадиган жасур ва оқибатли аёл эди. Уни маҳалламиздаги кексаю эш "бизнинг чевар опамиз" деб алқарди. Ушанда тўнғичимизни туғруқхонадан уйга олиб келгунимизга қадар укам Маҳмуджон чақалок шамоллаб қолмасди деб, ўша, қўл қисқалигидан, қурилиши битмай ётган мўъжазгина уйимизга эринмай пол қоқиб чиқибди. Буни қўрган аёлим миннатдорлик ва ҳаяжондан энтикиб, «Кўрдингизми, Гулнора туфайли битмаган ишларимиз битди», деб мамнун бўлганди. Кейин ҳам худди у айтганидек, фарзандларимиз бирин-кетин ду-

Вазира етти яшар қизчаси Шоира билан яқинда бошқа жойга кўчиб ўтди. Янги йилни янги уйда кутиб олсанг бошқача бўлади-да. Ҳаммаси жойида... Фақат қизининг кўнгли кемтик — отасизлик оғир экан... Унинг эри Камолни ёмон одам деб бўлмасди. Шофёр эди. Камсукумгина, оғиргина... Лекин, минг афсуски, яшаб кетишолмади. Ажралишганига ҳам беш йилдан ошди. Камол аввал бошда бир-икки марта келиб турди. Бироқ қайсарлик курсин, Вазира қаттиқ жеркиб ташлаганидан сўнг у бутунлай ғойиб бўлди.

Янги уйда байрам нафаси билан ўтирган Вазиранинг хаёлини шикрлаб очилган эшикнинг овози бўлди. Шоира кўлида аллақандай қоғозча билан уйга шошилиб кириб келди. У қизига ажабланиб қаради:

— Нима экан бу?

Шоира бир онасига, бир кўлидаги қоғозга қараб бидирлади:

— Билмасам, ҳозир кўчада келаётсам, битта амаки бериб кетди. Олиб келавердим. Ўқиганим ҳам йўқ.

Вазира қошларини чимирди, қизига синчков қаради:

— Кўчада танимаган одамингдан ҳеч нарса олмагин деб неча марта айтганман сенга? Қани, ўқи-чи?

Шоира кўзларини катта-катта очиб, бийрон-бийрон қилиб қоғозчадаги ёзувларни ўқий бошлади...

— "Роҳат" ресторани Янги йил дастурхонингизга ажойиб тортлар, пишириқлар, пиццалар, тайёр ширин таомларни таклиф этади. Буюртмангизни ўзингиз белгиллаган пайтда уйингизга етказиб берамиз. Хизматимиздан фойдаланинг!

Вазира қизининг телевизордагидай дона-дона қилиб ўқишидан завқланди-да, кулиб деди:

— Шунақа денг-а! Таклифингиз учун раҳмат! Сизни овора қилиб ўтирмай, ўзимиз пишириб қўя қоламиз.

Шу пайт эшик жиринглади. Вазира шошилиб бориб эшикни очди. Синглиси Сайёра экан. Унинг кўзлари яшнаб кетди. Кувончи ичига сигмаётган Шоира ҳам остонада холасининг пинжига тикилди. Опа-сингиллар бир-бирига навбат бермай гаплашиб ичкарига киришди. Сайёра ҳар гапгидек, опасига эркаланиб кинояга ўтди:

— Ҳеч кўринмайсиз, телефон ҳам қилмайсиз. Гўёки дунёнинг бор ташвишлари сизнинг зим-

мангизда.

— Эҳ, синглим-а, нима қилай, ишларим кўпайиб кетаяпти. Ҳеч ўзимдан ортмай қолдим.

Хуллас, опа-сингил бир-биридан ўпка-гина қилиб қолишди. Охири опа сал паст тушиб:

— Бўпти, бўпти, энди ҳар куни етти марта телефон қилсам чидайсанми? — дея мулозаматга ўтди. Сайёра бўлса шоша-пиша мақсадга кўчди:

— Опажон, мен Шоира билан сизни янги йил оқшомини ўтказишга уйимизга таклиф қилиб келдим. Бу ташрифингиз билан каминани камтарин синг-

БАХТ

«БУЮРТМА»СИ

лингизу куёвингизни ҳам, жиянларингизни ҳам кўп хурсанд қиласиз.

— Вой-бў, мунча кашталаб гапирасан.

— Биз сизларни кутиб қоламиз, ҳўпми?

Вазира эса Сайёранинг гапини шарт кесди:

— Афсуски, бунинг иложи йўқ.

— Нера?

— Биласан, янги уйга кўчиб келганмиз. Ҳеч бўлмаса, биринчи марта шу янги йилни ўз уйимизда она-бола кутиб олайлик деб ният қилганман. Келаси йили албатта сенкида кутамиз.

— Опа, ахир... Фақат икков-гинангиз... зерикарли бўлади-ёв.

Сайёра охири опасининг гапига кўнмасдан иложи йўқлигини тушунди:

— Опажоним, тошни эритиш мумкин, лекин сизни эритиб бўлмайди!

31 декабр куни Вазира ишларини эртaroқ яқунлашга роса уринди. Лекин шу куни идорада иш қуртдай қайнади. У кун бўйи компьютерга тикилиб, вақтнинг қандай тез ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди. Бир пайт

гўшагини кўтариб, шошилиб рақамларни терди. Бироздан сўнг телефонга жавоб бўлган, шоша-пиша гапира кетди:

— Шоира, яхшимисан, қизим? Хавотирланма, бир иложини қиламиз. Ўтган куни олиб кел-



ОЙНА

Ҳеч нарса қилмадик-ку?

У қизини меҳр билан бағрига босди:

— Хавотирланма болам, ҳаммаси жойида бўлади. Бугун насиб этса кўрасан, янги йилни зўр кутиб оламиз.

Шоира учун гўё вақт тўхтаб қолгандек эди. У ҳадеб деворга осиглик соатга қарайверди. Ниҳоят соат миллари 19:00ни кўрсатиб, занг чалди. Шу пайт эшик кўнгироғи жиринглади. Она-бола эшикка томон шошилишди. Остонада бир киши буюртма қилинган таом ва пишириқларни кўлида тутиб турарди.

— Марҳамат, буюртмаларингизни қабул қилиб қилиб. Пастда машинада ҳам пишириқлар бор.

Остонада турган одамга қараб, Вазиранинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. У ёнида турган қизини бағрига тортиди:

— Камол ака! Наҳотки сиз... Ахир...

Таом ва пишириқларни келтирган киши ҳам ўзини йўқотиб қўяр ҳолатда титраб кетди. Бир муддат жимликдан сўнг у зўрға тилга кирди:

— Вазира... Шоира... Қизим... Ё табва, тушимми ё ўнгим? ...Камол ҳаяжондан бир муддат жимиб қолди. Сўнг: — Кечиринглар мени, — деди.

Вазира турган жойида ҳайратдан қотиб қолган эди. Уни қизининг "Ойи, ойижон!" деган гаплари ўзига келтирди. У эри Камолдан кўзларини олиб қочиб:

— Сиз ҳам мени кечиринг, дадаси... — дея олди холос.

Остонада умидвор қараб турган Камол Вазиранинг бу гапидан кувониб кетди:

— Одамлар Янги йил кечаси албатта мўъжизалар содир бўлади десалар ишонмасдим. Рухсат берсанглар, янги йилни бирга кутиб олсак, — деб Камол ичкари кирди...

Баҳор АЛМУРОВА

НАРПАЙ ТУМАН МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЖАМИЯТИ

халқимизни Янги йил байрами билан муборақбод этишдан мамнун!

Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва файз-барака тилайди. Янги йил барча хонадонларга шоду хуррамлик олиб келсин!



ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ — ЭНГ АФЗАЛ ЙЎЛ

Бугун ҳеч кимни деярли барча соҳаларда рўй бераётган, жорий этилаётган янги иш юришти фаолиятлари билан хайратга солиб бўлмайди. Чунки тараққиёт талаби шундай. Шу боис тўлов терминалларидан фойдаланиш ва улар ишини назорат қилиш тартиби бўйича ҳам республикамиз миқёсида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, мамлакатимиз Президентининг "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгилаб берилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда фуқаролар ҳамда юридик субъектларнинг ўзларига тегишли маблағларни депозитларга йўналтириши кейинги пайтда анча кучайди. Сабаби, бу борада барча тегишли идоралар, шу жумладан, пойтахтимизнинг Юнусобод тумани солиқ инспекцияси ходимлари ҳам ўзларига бириктирилган вазифаларни ўз вақтида адо этишга интилишяпти.

Масалан, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолати бўйича таҳлил этадиган бўлсак, туман ҳудудидан рўйхатга олинган нақд пул билан савдо-сотик қилувчи субъектлар жами 2125 тани ташкил этишини назарда тутсак, улардан 1949 таси НКМ (назорат касса машинаси) орқали фаолият кўрсатса, 176 таси кватанциядан фойдаланади. Мазкур субъектлар фаолияти мониторинг қилиб кўрилганда, улардан 166 таси белгиланган талабларга риоя қилмай, жами 216,0 млн.сўм маблағни НКМ хотирасига киритмаганлиги аниқланиб, уларга нисбатан 192,8 млн. сўм миқдоридан молиявий жарима қўлланилди. Шунингдек, 86 та ҳолатда эса 288,7 млн. сўмлик маҳсулотларнинг сифат сертификати ва кириш ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли вақтинча савдодан олиб қўйилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Шу сабаб фуқаролар ҳамда юридик субъектлар ўртасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва қолаверса, қонуний фаолият кўрсатиш ҳар қандай шароитда ҳам энг афзал йўл эканлигини тарғиб этишга кўпроқ аҳамият бераёلمиз. Бу эса ҳар томонлама фойда ва самара бериши аниқ.

Фарҳод МУХАМЕДОВ,
Юнусобод тумани ДСИ бош давлат
солиқ инспектори.

ЧИРОФИ ЯХШИ, ТЎЛОВИ-ЧИ?

Маълумки, биз ўзимизнинг кундалик эҳтиёжларимизни кондирриш учун кечаю кундуз электр энергиясидан фойдаланамиз. Ва албатта баъзан ана шу кўринмас бойликни аямасдан сарфлаб, ҳисоб-китоб вақти келганида бундан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда ҳам алоҳида таъкидланганидек, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, энг аввало, давлат газнасини, шунингдек, аҳоли фаровонлигини таъ-

минлашга бевосита хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида давлат солиқ инспекциялари зиммасига ҳам жиддий вазифалар юклатилган. Масалан, бизнинг Учтепа туман ДСИ ходимлари ўз ҳудудимизда фаолият юритаётган 102 та корхонадан электр энергияси истезмоли учун тўланиши шарт бўлган 399,5 млн. сўм миқдоридан мuddати ўтган маблағларни ундириш бўйича чораларни кўришмоқда. Жорий йил ҳисоби бўйича таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, инспекциямиз томонидан реестр асосида мuddати ўтиб кетган қарзлари қайд этилган 214 та корхонадан 76816,6 минг

сўмлик маблағ тўлиқ равишда ундирилди. Шунингдек, декабрь ойида қарздорлиги аниқланган айрим ташкилотлардан 32300200 сўм маблағни "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ ҳисоб-рақамига инкамаси талабномаси орқали ундириш учун тегишли тартибда ҳужжатлар юборилди.

Энг асосийси, инспекциямиз билан электр тармоқлари корхонаси ўртасидаги амалий ҳамкорлик яхши самара берапти. Чунки ҳукуматимизнинг юқорида қайд этилган қарорини огишмай бажариш юридик шахс мақомидаги барча корхоналар зиммасига жиддий масъулият юклатилди.

Эршод МИРОСИМОВ,
Учтепа тумани
ДСИ шўъба бошлиғи.

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

ТАРАҚҚИЁТ МАҲСУЛИ

Бир маҳаллар "модернизация" деган сўзни эшитсак, ажабланардик. Лекин тараққиёт тезлигини қарангки, бугун деярли барча соҳалар бўйича бу жараён аста-секинлик билан ҳаёт тарзимизга кириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил 14 мартда имзоланган "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонда кўрсатиб берилган йўналишларга эътибор қаратадиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳа-

сининг янги фаолият юришти бу жиддий ўзгаришларни бошлаб беради.

Шу ўринда ҳўжалик субъектлари давр талабига мос равишда ишлаб чиқаришни босқичма-босқич равишда мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозланиш, бир сўз билан айтганда, сифатли ва бугунги давр талабига яраша маҳсулотлар ишлаб чиқариш энг самарали йўллардан биридир. Албатта, бу жараёнда давлат солиқ инспекциялари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилади. Яъни мамлакатимизга олиб кирилган технологик жиҳозларга нисбатан

мазкур фармонда кўзда тутилган тартибларга кўра тегишли имтиёزلарни қўллаш бўйича зарур амалий ишлар қилинмоқда. Бу борада бизнинг Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам қабул қилинган низом асосида фаолият юриштишяпти. Айниқса, ҳудудимизда фаолият юритаётган ҳўжалик субъектларида ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тарғиб этиш мақсадида давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштирилмоқда.

Хилола ИНОЯТОВА,
Миробод тумани
ДСИ ходими.

ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ ВА БИНОЛАРНИ САҚЛАШ ДИСТАНЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Барча ватандошларимизни

Янги йил байрами билан табриклайди!

*Юртимиз бўйлаб кезаётган шодиёна шукухи
юртдошларимиз кўнглини чексиз қувончларга
тўлдираверсин!*

*Элимиз дастурхонидан қут-барака,
хаётидан хурсандчилик аримасин.
Кўнгиллар бахтдан, юрт осудаликдан
обод бўлсин!*

БАРКАМОЛ АВЛОД ШАҲРИ

Маълумки, Бекобод шаҳри мамлакатимиз иқтисодийотида, асосан, саноат соҳасида ўзига хос нуфузга эга. Чунки Марказий Осиё миқёсида алоҳида ўрин тутувчи корхоналар ҳам худди шу ҳудудда фаолият кўрсатмоқда. Муболагасиз айтиш мумкинки, шаҳар айнан мустақиллик йилларига келибгина бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлди. Замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган иншоотлар, маданий-маърифий бинолар, тобора кўркамлашиб бораётган маҳалла-кўйлар шулар жумласидандир. Хўш, янги — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили 2011 йилни бекободликлар қандай кутиб олишмоқда? Бу ҳақда Бекобод шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Улуғбек АБДУНАЗАРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Албатта, ҳамма қатори биз учун ҳар бир йилнинг ўзига хос ўрни ва фазилати бор. Шу маънода Бекобод шаҳрида ҳам кейинги йилларда жуда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак. Деярли ҳар бир соҳа сарҳисоб этиб кўрилса, бу ўзгаришлар кўлами янада ёрқинроқ аён бўлади. Масалан, биргина шу йилнинг ўзида шаҳримизда ўнлаб ажойиб кўринишга эга бўлган бинолар қад кўтарди. Улар орасида шаҳар молия бўлими би-

носи, “Хофиз Фаниев” номли болалар боғи тўла-тўқис реконструкция қилиниб, кўшимча қурилишлар амалга оширилди. Болажонларнинг сеvimли маскани ёнгина-сидаги очик бўш майдонда жаҳон андозаларига мос келадиган сузиш ҳавзаси қурилди.

Яна бир қувонларли жиҳати, Бекобод бугунги кунда чин маънода энг нуфузли спорт мусобақалари ўтказиладиган шаҳар сифатида МДХ давлатлари орасида танилиб қолди. Халқаро мақомларга эга бўлган бокс, кураш, шарқона кураш беллашувлари ҳам айнан бизнинг ҳудудда ўтаётгани барчамизга янада жиддий масъулият юклайди. Шунинг учун уч қаватли “Ёшлик” спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилгани нафақат спортчилар, балки мухлисларга ҳам катта қулайликлар туғдирди.

Яқунланаётган “Баркамол авлод йили” да шаҳримиз ҳудудида ёш оилалар учун 26 та хонадондан иборат кичик габаритли турар-жойлар ҳам барпо этилиб, ўз эгаларига тантанали суратда тақдим этилди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан шаҳардаги мусиқа мактаби қайта реконструкция қилиниб, ёнида катта концерт зали қуриб битказилди ва янги жиҳозлар билан тўлиқ таъминланиб, фойдаланишга топширилди. Марказий деҳқон ва кийим-кечак бозорлари ҳам қайтадан таъмирланди.

Шу ўринда юқорида биз фахр билан таъкидлаётган хайрли ишларни амалга оширишда давлатимиз, қолаверса, қатор ҳамкор ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон металлургия комбинати жамоасининг ҳам ҳиссаси бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Галдаги режаларимиз ҳали кўп. Насиб этса, келаси йили шаҳар марказида сал кам 20 минг томошабинга мўлжалланган катта футбол майдони қурилишини ниҳоясига етказиш ниятидамиз.

Хуллас, 2010 йил ҳисобида эришилган ютуқларимиз чакимас. Масалан, болалар санъат мактаби ўқувчилари Нафиса Холматова, Отабек Абдуғафоровлар “Янги авлод” фестивалининг миллий хонандалик ва фортепиано йўналиши бўйича вилоят ҳамда республика босқичлари голиби бўлишди. Айниқса, спортчиларимиз кўлга киритаётган муваффақиятлар бизларни янада қувонтирмоқда. Яқиндагина Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида эшак эшиш бўйича голибликни кўлга киритган Артём Кудрашев шайнига ҳар қанча таҳсинлар айтсак камлик қилади. Унинг соврин билан қайтишини



ҳар бир бекободлик интиқ кутди десам янглишмайман. Ёки бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида, эркин кураш бўйича Ўзбекистон кубоги учун бўлган беллашувда ҳам бекободлик спортчилар совриндорлар сафидан жой олишди. Шу йилнинг 25 декабрь куни янги спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича ўтган вилоят биринчилигида ҳам гимнастикачиларимиз голиблик шохсупасини эгалладилар.

Бир сўз билан айтганда, бир пайтлар кучли шамоллари билан эсланувчи Бекобод, эндиликда кучли ва номдор спортчилари билан кўпчиликнинг хотирида қолаётгани ҳаммамизни суюнтиряпти.

Турдикул НОРМАТОВ
сўхбатлашди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЕКОБОД ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган янги йил билан самимий муборакбод этади!

Барчангизга тани сўхатлик, бағрикенглик ва хотиржамлик тилаймиз!

Янги йил бахт ва омад йили бўлиб келсин!

Масъулияти чекланган жамияти ЎРТА ЧИРЧИҚ ОМИХТА ЕМ СОТИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

сиз азизларни кириб келаётган 2011 йил билан қутлайди!

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» да халқимизнинг фарахбахш дамлари, қувонгли кунлари кўпайиб, ҳар бир хонадон ўинакам фароғат қасрига айланишини тилаб қоламмиз!

Ҳаётимиз фаровон, йўлимиз нурафшон бўлаверсин!

АНДРОЛОГИЯ — ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

✓ ТИББИЁТ

✓ САВОЛ-ЖАВОБ

Кейинги пайтларда андролог, андрология ибораси бот-бот кулоққа чалиниб қолди. Аммо бу йўналиш ҳақида ҳозирча ҳамма ҳам етарли маълумотга эга эмас. Тахририятимизга мактуб йўллаётган муштарийларимиз илтимосини инобатга олиб, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти урология ва нефрология кафедраси мудири, 1-клиник шифохона-си қошидаги урология маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Аслибек ҒАЙБУЛЛАЕВНИ шу мавзуда суҳбатга чорладик.

— Аслибек ака, андрология фани ва унинг келиб чиқиши ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва бу борадаги ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун имконият яратишдан иборатдир. Бу, албатта, тиббиёт ходимларидан фидойилик ва масъулиятни талаб этади. Соҳада илмий ишлар кўламини кенгайтириш, етук кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Олий таълим ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан турли ихтисосликлар бўйича етук билимли шифокорларни тайёрлаш мақсадида клино-ординатура ҳамда магистратура ўқув ва амалиётларини ўташ қатъий белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан уролог шифокор мутахассисларини ўқитиш борасида ҳам ютуқларимиз бисёр. Аммо урологиянинг кенг камровли ва мураккаб бир кирраси борки, у “андрология” соҳасидир ва бу ҳақда алоҳида тўхталмасак бўлмайди.

Андрология (يونونча “андро” – эркак + “логос” – фан) эркак танаси ва физиологиясини ўрганувчи фан деган маънони англатади. Бугунга келиб, худди аёллар гинекологини сингари алоҳида тарзда эркаклар касалликлари мутахассиси бўлиши зарурати туғилди. Эеро, эркак ўз жинсий аъзоларининг ҳасалиги, руҳий азоблари ҳақида бировга айтишга тортинади. Бу эса касалликнинг ўтиб кетишига, бепуштлиққа ва ҳатто оилалар парокандалигига олиб келади.

— Андрология нимани ўргатади?

— Соҳа эркаклар анатомияси, физиологияси, эмбриологияси, ривожланиш нуқсонлари, жинсий аъзоларининг яллиғланиши, жароҳатланиши, ўсма ҳосилалари, жинсий заифлик, климакс белгиларини аниқлайди ва беморни доридармон ҳамда жаррохлик йўли билан да-

волайди.

— Андрологиянинг бошқа мамлакатларда ўрганилиши қай даражада?

— Ҳа, андрология жуда кам мамлакатларда, жумладан, Миср ва Индонезиядагина алоҳида тиббий йўналиш сифатида ривожланган. Франция ва Италияда у эндокринологиянинг бир бўлими сифатида қаралса, Германияда уролог ва дерматологлар андролог вазифасини ўтайдилар.

Андрология бугунги кун тиббиёт илми ва соғлиқни сақлаш амалиётининг муҳим истикболли йўналиши ҳисобланади. Беморни ҳар томонлама андрологик таҳлил қилиш, ёрдам бериш учун баъзи имкониятларга эга бўлиш лозим. Авваломбор, фаннинг ҳуқуқий даражаси аниқланиши ва шу доирадаги илмий ишлар назорат қилиниши, тизимланиши, услубий қўлланмалар яратилиши, янги ва тиббий технологияларни малакалаштириш, рўйхатга олиш зарур бўлади. Бу масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг доимий эътиборида. Махсус мутахассисларимиз соҳани мукамал ўрганишга бел боғлашган. Жумладан Б. Раҳматуллаев ва Қ. Тўлаганов сингари фан номзодларининг эртаси ёруғ бўлишига ишонаман.

— Ҳар қандай йўналишдаги шифокор андролог бўлиши мумкинми?

— Йўқ. Тиббиёт шу қадар ривожланиб кетганки, бу фанни ёлғиз уролог, эндокринолог, невропатолог, психиатр ёки венеро-дерматолог алоҳида-алоҳида ҳолда ўзлаштиролмайдилар, тубига етолмайдилар. У ҳаммасини ўзида жамлайди. Андрология соҳасида урология илмининг назарий ва амалий томондан мукамал эгаллаган ва мазкур соҳада 5 йилдан ортиқ ишлаган шифокор махсус курсда маълумот олгангина фаолият юрита олади.

Мамлакатимиздаги шарт-шароит ва тиббиёт имкониятларини ҳисобга олиб, 3,5 ойлик ўқув цикли ташкил этдик. 7 нафар фан номзоди, малакали урологлар



соҳа учун зарур бўлган амалиётни махсус эндокринология, “Доктор-Д” клиникаси, психиатрия, тери-таносил касалликлари шифохоналарига бориб ўргандилар, энг замонавий тиббиёт ускуналарида, мураккаб анализаторларда амалиёт ўтадилар. Барча мутахассисликлар бўйича Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра ходимлари дарс беришади. Шунинг унутмаслик кераки, андрологиянинг 50 фоизи урологик жаррохлик амалиётидан иборат бўлгани сабабли эндокринолог ёки психиатр ва бошқа йўналиш шифокорлари 3,5 ойлик ўқувни ўзлаштиришса-да, андролог бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Бу ўқув цикли касалликни ташхислаш ва даволашни стандартлаш, бир тартибга келтириш зарурати туғилгани туфайли юзага келди. Ҳар бир вилоятда, ҳар туманда оилавий поликлиникаларда андролог хизмати кўрсатилиши керак. Бу нафақат тиббий, балки ижтимоий, маънавий масалаларнинг ҳам ечимидир. Вақти келиб, андрология мутахассислиги ҳам алоҳида ихтисослик сифатида рўйхатдан ўтиши шубҳасиз.

— Сиз билан янги 2011 йил арафасида кўришиб турибмиз, байрам тилақларингиз.

— Янги йил юртдошларимиз учун кутлуг келсин, ҳар бир хонадон соҳибини саломатлик, қувонч ва хотиржамлик бахтиёр этсин! Уйларидан файзу барақа ари-масин!

Санобар ҒАХРИДДИНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ШАРТНОМА ОҒЗАКИ ТУЗИЛАДИ...МИ?

Яқин дўстимга 400 минг сўм қарз берганман. Борган сари унинг пули қайтаришига ишончим сусайиб кетаяпти. Ҳа, ушунга юзидан ўтолмай, муомаламизни хужжатлаштириб қўя олмаганим. Қонунда қарз шартномаси оғзаки тузилиши кўрсатилганми?

Сафарали ЯХШИБОВ,
Бухоро вилояти
Жондор тумани.


— Қарз муносабатларида хоҳишни ифодалаш усули ёзма шаклда бўлиши даркор. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига фуқаролар орасида тузиладиган ва минимал ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган сумма қарзга берилганда, шартнома оғзаки тузилиши ҳам мумкинлиги белгиланган. Оғзаки тузиладиган шартномани ёзма шартномага тенглаштирадиган қоидалар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя илиш мақсадида киритилган бўлиб, бу фуқароларнинг ўзаро ишончини мустаҳкамлашга қаратилган тadbирдир. Аммо оғзаки шартнома турли низо-ларни юзага келтириш билан бирга, шартнома тузилиш фактини аниқлашни ҳам қийинлашти-ради.

Кўшнимиздан қарага 200 та шифер бериб туришини сўрадим, ҳар эҳтимолга қарши, олди-беридимизни хужжатлаштириб қўйдик. Аммо баъзи сабабларга кўра менга фақат 135 та шифер бера олди. Айтинг-чи, бундай муаммонинг одилона ечими қонуналаримизда кўрсатилганми?

Дилшод Абдуллаев,
Кашқадарё вилояти
Нишон тумани.

— Қарз шартномаси реал шартнома сифатида тузилган вақти ва пул ёки ашёларнинг топширилиши вақти бир пайтда юз бериши билан тавсифланади. Бунда пул топширилгани қарз олувчининг шартномага имзо чекиши билан тасдиқланса, ашё қарзга берилгани қабул қилиб олиш далолатномаси ёки шартномага алоҳида ёзув киритиш орқали тасдиқланади. Қарз шартномасининг нотариал тасдиқланиши тарафлар хоҳишига боғлиқ бўлиб, бу тарафлардан бирининг (кўпинча қарз берувчининг) талаби билан амалга оширилади. Агар қарз олувчи шартнома юзасидан даъволашганда пул ёки бошқа ашёлар, ҳақиқатан ҳам, қарз берувчидан олинмагани аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул ёки ашёларга тузилган деб эътироф этилади. Умумий қоидага кўра, қарз шартномаси реал шартнома сифатида пул ёки ашёлар қарз берувчига топширилганидан сўнг тузилган деб ҳисобланади.

Саволларга
Жомбой туман 1-сон давлат
нотариал идорасининг давлат
нотариуси Болбек
МАМАТҚУЛОВ жавоб берди.



Андрология фидойилари.

Ёнинг сокин оқшомларини Дилдора жуда яхши кўради. Айниқса ховлиларининг ўртасидаги ўрик соясига кўйилган сўрида юлдузларни санаб саноғини йўқотганча, уларнинг жимир-жимирини кузатиш уни адоқсиз аламлар азобидан узоқлаштириб, болалик оламига қайтаргандай бўлади гўё. Балки ана шу лаҳзаларнинг борлиги боис ҳам ширин тушлар кўрар. Кун ёйилиб, кўй-кўзиларнинг маъраши янги ташвишларга тўла яна бир кун бошланаётганидан дараклар йўллаётган бўлса-да, у киприklarини жуфтлаштириб хаёлида кўрган тушларини яна жонлантирмаққа уринади. Нима қилсин, ойижониси билан энди фақат тушлари, хаёлларида гаплашади, дардлашади. Баъзида йиғлайди, баъзида паршонхотирлиги бир мuddат узоқлашгандай бўлади...

Улар қандай бахтли яшашарди-я! У ана шу сўрида бир ёнида укаси, дадаси, бир ёнида мунисгина онажониси билан маза қилиб суҳбатлашиб ётишарди. Уша пайтлар дадаси ҳам жуда хушчақчақ бўлиб, уларни ҳар хил ҳазил-хузуллар билан қулдираб, ойиси эса юлдузларга термулиб, бувисидан эшитган эртагу ривоятларини айтиб берарди: «Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонларда бир чўпоннинг ой деса ойдек, кун деса кундек сулув қизи бор экан. У сочларини тараганда ундан таралган анбар бўйларидан атиргуллар ҳайратга тушар экан... Лекин қизнинг сира кўнгли ёришмас, маънос чеҳрасига армоннинг чизгилари сингиб қолган экан гўё...» Дилдора кўпинча эртани охиригача эшита олмай ухлаб қоларди. Ҳар гал қизнинг онаси ҳақида сўрамоқчи бўларди-ю, ойижонисининг сира гапини бўлгиси келмайин, ниҳоят хаёлидан кўтарилиб кетарди. Эрталаб уйғонганида эса онаси қозонда сутни шопириб-шопириб пишираётган, отаси эса мол-ҳолларга емиш беришу остини тозалашга унаётган бўларди. Дилдора тўйиб ухлаганиданми, кушдек энгил бўлиб турар, ёнида ётган укасини эркалаб уйғотаркан, баъзида туртишиб ҳам кетишарди. Ойижониси эса қўли ишда бўлса ҳам ширин сўзлари билан болажонларининг меҳрини бир-бирига йдириб «яраштириб» кўяр, сўнгра опа-ука чопишиб чўмигча тайёрлаб кўйилган илиқ сувга ювона бошашарди. Негадир Дилдора оппоқ қандни чойга ботириб ейишни жуда хўш кўрар, аслида ейишдан ҳам қанднинг чойга тегиши билан бошқача тусга кириб, эрий бошлаши завқини келтирарди. Ундаги бу одат укасига ҳам ўтган, улар қосадаги сувлари қолиб, тарелкадан қўлларини

узишмасди. Дастурхон йиғиштирилишидан олдин ойиси албатта шира юқи пиёлаларни чайиб ичиб кўяр, бу билан у насибани увол қилишни истамаганини билдирса, иккинчидан шу тариқа болажонларининг айбини ювгандек ер остидан эрига қараб кўярди. Шундай кезлари отаси «Ахир булар мениям болаларимку?!» дея ойисига эътирозли қараш қилар, бу эса опа-укаларни янаям суянтириб юборарди...

Мана бу йил Дилдора иккинчи синфга кўчди. Ойижони уни мактабга кузатган кезлари ҳар кун сочларини майингина тараб, ўриб кўяр, меҳрибоннинг бармоқлари, кафтлари шунчалар ёқимли, илиқ эдики, Дилдора кўзларини жимгина юмиб, бутун вужудига ҳузур бағишла-

ган дарахтнинг яқам-дуккам япроқлари шабадада чапак чалиб, у билан хайр-хушлашаётгандай ўпкаси тўлиб кетади. Бир хил ҳолат тақроорланаверади. Дилдора кўчанинг бошига чиқиб, дугоналари билан учрашгунча сўлгин хаёллардан қутулолмайди. Гарчанд қизчаларнинг майин таралган сочлари нозиқ қалбини тимдалаб ўтса-да, қийқириқларга тўла болаликнинг бахтиёр олами уни ҳам қучоғига торта бошлайди...

Тўғри, бувиси уларнинг рўзгорини ташлаб кўйгани йўқ. Лекин мункиллаб қолган кампир сизирларни соғиб бўлгунча, унинг мактабга кетар маҳали яқинлашади. Қозонга ўт ёқилиб-ёқилмай у бир бурда ноннинг юзига ёғ суртган бўлади-ю, нонуштасини тугатади. Узи ҳам



ётган ана шу оромни тўйиб завқланарди.

— Ана бўлди, энди ойнага қараб фартугингни тақ-да, мактабингга шошил, дарсга кечиксанг уят бўлади, — дерди ойиси ленталарини ҳам тақиб бўлгач, қизини ўзи томон ўгириб кўзларига меҳр билан боқаркан. Дилдора ҳеч қачон фартугини таққач соч тарамаслик кераклигини билар, чунки оқ матога қил тушса, тез кўзга ташланади. Яши қизининг эса ҳеч қачон кийимларига соч илашиб юрмайди... Ойиси шунга ўхшаш гапларни тақроорлаганча Дилдоранинг сумкасини ҳовлилари этагидан тугтача кўтариб борар, ортидан жилмайганча қўл силтаб қолишлари эса... Бир умр қизнинг нигоҳларига муҳрланиб қолди. Ҳар кун у шу ерга етганида беихтиёр тўхтаб қолади. Кексайиб, ярим-ялангоқ бўлиб қол-

анча катта бўлиб қолган, ўрин-жойларни солади, эрталаб уйга киргизиб йиғади. Ховлини супириб-сидиради. Кеча укасининг кийимларини ҳам ювиб қўйди... Лекин сочини ҳеч ойижонисиникидек чиройли қилиб ўролмайдди-да. Таққан лентаси ҳам ярим йўлга бормайин сидирилиб тушади. Шунда янаям ойисини соғиниб, ўқиниб кетади-ю, киприklarинидаги ёшни укасидан яшириб кўчага отилади. Қайси кун оқшом бувиси билан отасининг ниманингдир устиде баҳслашишаётганларидан уйғониб кетди. Бувиси отасига нималарнидир ўқтирмақчи бўлар, ердан кўзини узмай ўтирган отаси эса гоҳ боши билан йўқ ишорасини қилар, гоҳи овозини баландлатиб норозилигини билдирарди. Дилдора аввалга анча пайтача уларнинг нима устидан бунчалар келишолошишаётганларини тушунолмади

БЕКАТДАГИ УЙЛАР

ётди. Чунки отаси онасининг сўзидан чиқмас, бувиси ҳам ҳамisha отасининг фикри билан ҳисоблашарди. Сўхбатининг маънисини англаганда эса пешонасидан совуқ тер чиқиб кетгандек, аъзойи бада-ни қақшай бошлади. Чунки у мурғаккина дунёси билан хонадонларига ўғай она кириб келишидан негадир кўрқар, шу боис жон-жаҳди билан ҳозир бувисига қаршилик қилишни истарди-ю, бунга ўзида куч тополмайин, кўрпани юзига торганча унсиз йиғлай бошлади...

Лекин Дилдора ўзини ҳам, укасини ҳам уйларига ўзга аёл кириб келишига кўндириши, кўниктириши кераклигини билар, шунда балки олдингидек бахтиёр турмуш кечиришлари мумкин деган хаёлларга борарди. Агар улар меҳр билан қарши олишса, ўғай онаси ҳам уларни бағрига босар. Ойижонисидек кўзгу қаршисига ўтқазиб, сочларини ўриб кўяр. Укасини тиззаларига ўтқазиб эркалатар Яна жамланиб сўрида юлдузларни кузатганча ширин уйкуга кетишар. Аёл бувисидек «Пиёлаларни ширага ботириб ташлабсизлар...» дея қоймас. Укажониси тушларида ойижонисини кўмсаб алаҳсиб чиқмас...

Дилдора уйларида бошланган тарадудни сезгандан буён шуларни ўйлайди. Гоҳи худди катта одамлардек укасини кучиб, унга ҳам нималарнидир ўқтирмақча тиришади. Назариде дунё бир айланади-ю, ойижониси бошқа аёл қиёфасида эшикларидан кириб келади. Яна уларни ташлаб кетган бахтиёр кунлар давом эта бошлади. Дилдора дугоналарининг ҳавасини келтириб, сочлари чиройли ўрталган, яп-янги ленталарни тақиб мактабга боради. Укаси билан оппоқ қанднинг чойда эришини мириқиб кузатишади...

— Опажон, тикони қўлимга кирди, — деди укаси навбатдаги атиргулни узар экан. — Ишқилиб булар ойимизга ёқармикан?!

— Албатта ёқади, — деди Дилдора укасининг қон тирқираб чиқаётган бармоқчасини кафтлари орасига қисганча. — Қара, гуддастамиз қандай чиройли қизка-япти. У кишини биринчи бўлиб ўқимиз ана шу гуллар билан кутиб оламиз...

...Машинадан тушиб келаётган жувонинг бошидаги рўмонини авайлабгина кўтариб жовдираган нигоҳлари билан унга гуддасида тутган болажонларнинг ҳаракати шу кунни ҳамманни йиғлатди. Улар чиндан ҳам ойилари қайтиб келганига ишонишар, аёлнинг этагидан тутиб боришаркан, ундан бир дунё меҳр, муҳаббат кутишарди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

«Синфдошим Анвар билан бир-биримизни яхши кўрардик. Лекин ундан келган совчиларга ота-онам рад жавобини беришди. Сабаби икки акаси бефарзанд эди. Отам «У ҳам акаларига ўхшаб тирноққа зор ўтса, биз қандай чидаймиз. Сени кўриб-билиб бахтсиз қилолмаймиз, қизим» деди. Қаршилигимга қарамай, бир йил ичида мени узоққа узатишди. Тақдирини қарангки, фарзандли бўлолмадим. Охири қайнота-қайнонамнинг маслаҳати билан қайнучамнинг ўғлини олти кунлигида асраб олдик. Унга ўқтам деб исм қўйдик. Ўғлимизга бор меҳримизни бериб парваришлаётгандик. Кутилмаганда қайнучамнинг катта ўғлига ёмон яра чиқиб, қаза қилиб қолди. Икки қизи бўлса-да келинимиз жанжаллашавериб, беш ёш бўлганида ўғлимни биздан тортиб олиб кетди. Шундан сўнг Рустам билан қонуний ажрашдик. Гоҳида отам «Мана, Анварнинг тўртта ўғли бор. Ушанда аттанг, унинг онаси биздан қаттиқ хафа бўлганди-я» деб энди минг пушаймон қилади, фойдаси йўқ. **Ёшим 41 да.** Маълумотим

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

олий. Фарзандим йўқ. 50 ёшгача бўлган, диёнатли, зарарли одатлардан холи, моддий таъминланган фарзандли эркек учраса, турмушга чиқмоқчиман.

САБОҲАТ, Наманган вилояти*.

«Умид билан сизларга хат ёзаянман. Укам Комил курсдошининг никоҳ тўйида Зулайхони кўриб ёқтириб қолган экан. Онам қўшнимизнинг қизини келин қилиш ниятида эди. Укам ваъдасида туриб олди ва ниҳоят, севганига уйланди. Улар жуда бахтли яшарди. Онам ҳам оёқ-қўли чаққон, очиқ кўнгил, пазанда келинини таниган-билганга мақтарди. Кетма-кет икки қиз, бир ўғилли бўлишди. Укамнинг ишлари юришиб кетди. Ҳовли-жой қилишди. Қўшнимизнинг қизи тўртта фарзандли бўлганида, ичкиликка ружду кўйгани учун эридан ажрашди.

Шундан сўнг Комилнинг оиласида тинчлик йўқолди. Она-бола бўлмағур тухматларни тўкиб чиқаришди. Эл оғзига элак тутиб бўлмакан экан. Келиним асабийлашавериб, хасталикка чалинди. Укам уй-жойини сотиб, шаҳарга кўчиб кетди. Афсус, келинимиз улуқсиз даволанса-да, ammo кассалиқдан фориг бўлмади. Болаларини чирқиратиб, бизларни ташлаб кетди. Шунга ҳам олти йил бўлди. Катта жиянимни узатганмиз. Кичигини унаштирдик. Шу қизини эгасига топширса, укамнинг аҳволи қандай бўлар-кан, дея хавотирданман. Комил ҳам энди тақдирга тан бериб, уйланишга рози. Унинг ёши **51 да.** Маълумоти олий. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Ёшига мос, меҳрибон, уйим-жойим дейдиган, Тошкентда яшайдиган аёл учраса, хабар берсангиз.

«Қишлоғимиз туман марказига узоқ бўлгани учун тўлғоқ тутган онамни туғруқхонага олиб келгунча, улар анчагина қийналган эканлар. Шу сабабли мен чап оёғим асоратли бўлиб тугилганман. Тетапоя бўлганимда оқсоқланиб юра бошлаган эканман. Ота-онам кўнглимга қарар, турли спорт машғулотларига олиб борарди. Мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Таътил пайтлари тикувчилик, пазандачилик курсларига катнадим. Ота-онам орзу қилганидай тиббиёт институтини тугатиб, шифокор

бўлдим. Касалхонада хизмат қилиш баробарида коллежда ҳам дарс бера бошладим. 33 ёшимда Тошкентга малака ошириш учун ўқишга келганимда, ҳамномам Дилдора опа мени бахтингни топган дея «Оила ва жамият» газетаси тахририятга бошлаб борди. Тўққиз ой давомида тахририят билан боғланиб, хабарлашиб турдим. Ва ниҳоят, узоқ кутган бахтим — Муродни топдим. Унинг ҳам тақдирини ўзимникига ўхшаш экан. Қайнонам ҳам мени еру кўкка ишонмай, «Самарқандлик келинимдан айланай», деб сўяди. Мурод ниҳоятда ориятли, меҳнаткаш инсон. Биз жудаям бахтлимиз. 2010 йил мен учун унутилмас йил бўлди. Сизлардан бир умр миннатдорман.

ШОҲСАНАМ, Тошкент шаҳри*.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўзига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ҲАМИДА, Сирдарё вилояти*:

✓ ПУҚТАН НАЗАР **БАРЧИНОЙ ГУРУРИ**

Гўзал дугоним... Қаранг, чехрангиз ой билан хусн талашаётир. Нигоҳларингизда порлаган меҳр юракларга чўғ солғудай мурод-бахш. Сарвдек қадду бастингиз, нафосату назокатингиз бутун борлик нафосатини ўзида муҳассас этган. Кўнглингиз покизалқидан, беғуборликдан биллурдек товланади.

Бу чиройли таърифларни барча тенгдош-дугона қизларга айтгим келди, аммо баъзи бир саволлар борки мени мудом қийнайди ва ўйлашга мажбур этади. Баъзан, истироҳат боғларида табиатнинг гўзал манзараларидан баҳра олишга борарканман, дафъатан нигоҳим ўз қадр-қиммати, гурури-шаънини оёқрости қилаётган қизларга тушиб, ўқиб кетаман. Эркақшода, сўкиниб, кишини юзинг-кўзинг демай юмма талайдиган қизларни кўриб, қалбим музлайди...

Шунда барча туркий халқларнинг муштарак достони "Алпомиш", ундаги Барчинойни эслайман. Бу достоннинг ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, олтой халқлари вариантларида ҳам "Ойбарчин — ўзбакнинг асл қизи" деб айтилади.

Шу ўринда достондаги ўзбек қизи гурури улугланган жойига эътибор беринг: "Кўнгирот элинда, қилвир чўлинда ўзига хуштор бўлиб келган тўқсон аллни ва шулар қаторида Алпомишни ҳам яна бир синаш учун Ойбарчин тўрт шарт қўйди. Шартни Алпомиш олдидан келган Қоражон эшитди. Ойбарчин отнинг

жиловини ушлаб, кўнглини хушлаб, Қоражонни меҳмон қила бошлаб, остига либос ташлаб, зиёратга бир кўй сўйди. Гўштини осиб шўрвасига ҳам тўйди. Гўштини пишириб, корсонга солиб, Қоражоннинг олдига олиб келиб қўйди. Тўхлининг гўштини чайнаб, суюгини пурақаб юбориб, Қоражон ҳам кеккайиб ўтираберди. Қоражон айтди: — Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг муҳлати бўлса битиб қолди, сен нима жавоб айтасан?

Барчамизга аёнки, Шохимардон пири Ҳакимбекка Ойбарчинни «бешикертти» қилиб қўйганди. Шу сабаб ҳам Барчин аташтурғанидан ўтиб, бир иш қилишни ўзига ному санаиди, Алпомишга чопар жўнатади. Севгани, олти ой кутгани Алпомиши келганда эса дилдан севинса-да, гурури сабаб, "Алпомиш келса келибди-да" дея нозик ибоб билан жавоб беради. Аммо яна бошқа бир ҳолатга ҳам эътибор қилинг-а: Алпомиш Қалмоқда чоҳда бўлганида Ултонтоз Барчинга уйланмоқ ҳаракатига тушади. Қизик, тўқсон алпинг бири Кўкамани кўтариб, чалқармон қилиб ерга йиқитган Барчин нега энди Ултонтозни ҳам ер тишлатмади экан? Бу саволнинг жавоби эса оддий: чунки у энди эрли аёл. Энди уни фақат жуфти ҳалоли химоя қилиши лозим...



Бундай ибратли мисолларни яна қўйлаб келтириш мумкин. Шундай экан, Ойбарчин дугоналар! Ишқ-севги деб қадрин йўқотган, кейин эса шу аламдан ўзини эркақшода тутаётган, момоларимиз юзини ерга қаратаётган қизларга қарата айтинг: гурурингизни асранг, гурурингизни... Чунки у номуснинг аввали ҳам, охири ҳамдир!

Барчамизга аёнки, Шохимардон пири Ҳакимбекка Ойбарчинни «бешикертти» қилиб қўйганди. Шу сабаб ҳам Барчин аташтурғанидан ўтиб, бир иш қилишни ўзига ному санаиди, Алпомишга чопар жўнатади. Севгани, олти ой кутгани Алпомиши келганда эса дилдан севинса-да, гурури сабаб, "Алпомиш келса келибди-да" дея нозик ибоб билан жавоб беради. Аммо яна бошқа бир ҳолатга ҳам эътибор қилинг-а: Алпомиш Қалмоқда чоҳда бўлганида Ултонтоз Барчинга уйланмоқ ҳаракатига тушади. Қизик, тўқсон алпинг бири Кўкамани кўтариб, чалқармон қилиб ерга йиқитган Барчин нега энди Ултонтозни ҳам ер тишлатмади экан? Бу саволнинг жавоби эса оддий: чунки у энди эрли аёл. Энди уни фақат жуфти ҳалоли химоя қилиши лозим...

Бундай ибратли мисолларни яна қўйлаб келтириш мумкин. Шундай экан, Ойбарчин дугоналар! Ишқ-севги деб қадрин йўқотган, кейин эса шу аламдан ўзини эркақшода тутаётган, момоларимиз юзини ерга қаратаётган қизларга қарата айтинг: гурурингизни асранг, гурурингизни... Чунки у номуснинг аввали ҳам, охири ҳамдир!

Гулноза ШАРОФОВА, ЎЗМУНИНГ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ ТАЛАБАСИ.

СПОРТ ✓ СПОРТ ✓ СПОРТ

ФАЛАБАЛАРИМИЗ ДАВОМЛИ БЎЛСИН-ДА!

БААДа ўқув-машғулот йигинини олиб бораётган Ўзбекистон терма жамоасининг навбатдаги рақиб маҳаллий "Ал-Шабаб" клуби бўлди.

Ҳамадан аввал кўп рақибларга бой ўтиб, жараён кўпроқ майдон марказида кечди. Терма жамоамиз футболчилари тўпни ўз назорат-ларига олишга ҳаракат қилишди ва буни биринчи бўлимда қайсибир маънода эплашди ҳам. "Ал Шабаб" эса қайта ҳужумда ҳаракат қилди.



Биринчи бўлимнинг сўнги дақиқасида Вагиз Галиулин ўнг қанотда химоячини ажойиб тарзда орта қолдириб жарима майдончасига ёриб кирганди, иккинчи химоячи уни кўпол равишда тўхтаб қолди. Ҳакам ҳеч иккиланмасдан ўн бир метрни нуктани кўрсатди. Максим Шақих тўпни дарвозага тўғридан тўғри йўлламасдан олдинга юмалатди ва орқадан югуриб келган Гейнрих тўпни дарвоза тўрига жойлаб қўйди.

Иккинчи бўлимда тўла устунлик биз тарафда бўлди, лекин ҳар доимгидек яратган имкониятларни голга айлантириш борасида омадимиз чопмади.

ЗИКО ЭРОН ТЕРМА ЖАМОАСИДА?!

Бразилия терма жамоасидаги ўйинлари билан танилган ва "Бунёдкор" клубида ҳам мураббийлик фаолиятини олиб борган Зико яқин кунларда Эрон терма жамоаси бошқарувида қилиши мумкин.

Calcio News 24 нашри томонидан маълум қилинишича, бразилиялик мутахассиснинг хизматлари билан Эрон футбол федерацияси вице-президенти Маҳди Тож қизиқаятган экан.

Маҳди Тож маҳаллий нашрлардан бирига берган интервьюси вақтида Зиконинг номзоди Эрон терма жамоаси бошқаруви учун жиддий равишда кўриб чиқилаётганини айтиб ўтган.

Бундан аввал ҳам эронликлар бошқаруви бир қатор мутахассисларнинг келиши маълум қилиб ўтилганди. Масалан, номзод сифатида аргентиналик футбол даҳоси Диего Марadona ва Англия терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Свен-Йоран Эрикссон номлари ҳам кўрсатилган эди.

Интернет манбалари асосида ЎЗМУ талабаси Салоҳиддин ИСОМИДИНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОНИ!
"Оила ва жамият" газетаси томонидан берилган гувоҳнома 2011 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинганини маълум қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ
Муҳтарам муштарийлар! Ушбу сондаги қўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.

ТУНГИ СМЕНАДАГИ АЁЛ

✓ САВОЛ-ЖАВОБ

Малакамни ошириш мақсадида чет давлатга кетмоқчиман. Танишларим эса мамлакатдан чиқиш визасини олиш учун турмуш ўртоғимнинг розилиги кераклигини айтишди. Чет элга чиқишим учун турмуш ўртоғимнинг розилиги керакми?

Йўқ, бундай эмас. Конвенцияда давлатлар шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва яшаш жойини танлашга тааллуқли қонун ҳужжатларида эркақлар ва хотин-қизларга бир хил ҳуқуқ беришлари кераклиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига кўра, фуқаро — аёллар ҳам, эркақлар ҳам — республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиши ҳуқуқига эга бўлиб, қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Бироқ айрим мусулмон давлатларида чикишда шу давлатларнинг қонунчилиги, одатлари ва анъаналарини эътиборга олган маъқул, чунки уларнинг баъзиларида аёлларнинг эркақлар ёки яқин қариндошлар билан ҳамроҳликда юриши керак деган қонун мавжуд.

Кўшим тунги сменада ишлайди. Кўпинча унинг боласи уйда ёлғиз қолаётганининг гувоҳи бўламиз, шу тўғрими?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ишлаётган аёллар учун қатор

қулайлик ва имтиёзлар белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 229-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир, деган қонун мустаҳкамланган.

Ёш оналар тунги ишларга жалб қилиниши, иш жойини қисқартириш ва хизмат сафарларига юборишда ўзларининг ҳамкасбларига қараганда имтиёзларга эгадирлар. Шунингдек, фарзанд кўрган аёлларнинг болани парваришlash учун олган таътиллари даврида уларнинг иш жойи (лавозими) сақланади ҳамда бу таътиллр меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги

бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Давлат ва ижтимоий институтлар хотин-қизларга нисбатан камситувчи қарашларни бартараф этишга ҳаракат қиладилар, чунки улар хотин-қизларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциясида кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Оила қонунчилиги хотин-қизларга нисбатан ҳали ҳам мавжуд бўлган бир қўлида қарашга асосланган урф-одатларни ва бошқа амалиётни йўқотишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

2011 йил учун «Оила ва жамият» газетасининг ЭЛЕКТРОН НУسخАСИГА ҳам обуна бўлинг!

«Оила ва жамият»га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» маъсулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahaon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.	Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ	ОБУНА ИНДЕКСИ – 176 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1132. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 7835. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00 Босишга топширилди – 16:00	Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20 Мухбирлар: 233-04-50 Котибият: 237-21-82 «Оила» бўлими: 234-25-46	МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 700000 Амир Темурутқўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: Олой бозори ёнида
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz	Web-site: oilavajamiyat.uz	ISSN 2010-7609 1 2 3 4 5